



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 5-avgust, shanba № 62 (9023)

АДАБИЁТ ВА SAN'AT, MADANIYATNI RIVOJLANТИРИШ - XALQIMIZ MA'NAVII OLAMINI YUKSALТИРИШNING MUSTAQKAM POYDEVORIDIR

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, қадрили устозлар! Мухтарам ватандошлар! Бугун мана шу мухтарам саройда сиз, азизлар билан — миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намоёндалари, атоқли шоир ва адибларимиз, театр, кино, мусика санъати соҳасининг таникли ҳамда ёш вакиллари билан, санъатшунос олимлар, журналистлар билан учрашиб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали ўзининг ёрқин истеъдоди, билим ва маҳорати, фидо-корона меҳнати билан жамиятимизнинг маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча ижодкор зиёлиларимизга юксак ҳурмат ва эътиромимни билдириб, самимий тилакларимни изҳор этаман.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб биладиган сиз, мухтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз.

Мен сизларнинг кўпчилигинингизни узоқ йиллардан буюн яқиндан танийман, асарларингизни ўқиганман, сизлар яратган куй-қўшиқларни, картиналар, фильм ва спектаклларни доимо катта қизиқиш билан тинглаб, томоша қилиб келаман.

Бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъатнинг чинакам муҳлиси бўлиш на-сиб этганидан бахтиёрман.

Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳоким бўлиб ишлаганимда ҳам, Тошкентдаги фаолиятим давомида ҳам сиз, мухтарам ижодкорлар билан катта-катта тadbирлар, байрам ва маросимларда кўп-кўп учрашганимиз, суҳбатлашганимизни, керак бўлганида, ижодий бахслар ҳам қилганимизни, биргаликда амалга оширган ишларимизни мен доимо миннатдорлик билан эслайман.

Демокчиманки, биз ҳаммамиз бир-биримизни яхши биламиз, машҳур бир қўшиқда айтилганидек, "ўртада бегона йўқ".

Шу сабабли ҳам бугунги учрашувимизни, агар сизлар рози бўлсаларингиз, мана шундай самимий ва очик мулоқот руҳида ўтказ-сак, маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнларини ҳолисона ва танқидий баҳолаб, бу борда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида атрофлича фикрлашиб, бамаслаҳат бир қарорга келсак, айна мударо бўларди.

Азиз дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов раҳбарлигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни, сарҳадларимиз дахлсизли-

гини, жамиятда қонун ус-туворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида муҳим пой-девор бўлди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечири-ши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда, бугунги гло-баллашув даврида жаҳон миқёсида қўқур молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда биз мамла-катимиз босиб ўтган тарақ-қиёт йўлини ҳар томонла-ма таҳлил қилиб, давлати-мизни барқарор ва жадал суруятлар билан ривожлан-тириш, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш мақсадида, **2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-нинг ривожлантириш-нинг бешта устувор йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини** ишлаб чиқ-дик.

Ушбу Стратегияда **дав-лат ва жамият қурилиши-ни тақомиллаштириш, қонун устуворлигини таъ-минлаш ва суд-ҳуқуқ ти-зимини ислоҳ қилиш, иқтисодийётни янада ри-вожлантириш ва либерал-лаштириш, ижтимоий со-ҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлар-ро тотувлик ва диний ба-ғрикенгликни таъминлаш, чўқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳ-даги ташки сиёсат юри-тиш каби масалалар та-раққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида** белгилаб олинди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борда ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Самимий ва очик мулоқот руҳида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Президентнинг Давлат мас-лаҳатчилари, Вазирлар Маҳ-камаси комплекслари, ва-зирилик ва идоралар, йирик компания ва ҳўжалик бир-лашмалари, банклар, ижо-дий уюшмалар, етакчи ом-мавий ахборот воситалари, маданият муассасалари, те-атр ва музейлар раҳбарла-ри, адабиёт, санъат ва ма-даният соҳасининг атоқли намоёндалари, журналист-

лар иштирок этди. Видео-конференция шаклида ўтган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Ке-нгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Маданият вазирлиги, ижодий уюшмаларнинг ҳудудий бўлиmlлари, жойлардаги ма-даният муассасалари, теле-радиоканаллар, газеталар раҳбарлари, ижодкор зиёли-лар қатнашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

(Давоми 8-бетда.)

Янги ўқув йилига ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ - ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 2 август куни умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари, жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Ке-нгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хўнар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари, ўқитувчи ва педа-гоглар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-налардан бўлаётган мурожаатларда умумтаълим мактаб-ларида 10—11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар билдирилмоқда.

(Давоми 9-бетда.)

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ - XALQIMIZ FAROVONLIGINI OSHIRISHNING MUHIM OMILI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни 2017 йили Инвестиция дастури-га киритилган йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва йил якуни бўйича қўтила-ётган натижалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Ан-дижон вилояти ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманига таширларни чоғида белгиланган вазифалар ижросига бағиш-ланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Прези-дентнинг Давлат маслаҳатчи-лари, тегишли вазириликлар, идоралар, ҳўжалик бирлаш-малари раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали Қорақал-поғистон Республикаси

Жўқорғи Ке-нгеси Раиси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маҳаллий ҳоким-ликлар, вазирилик ва идора-ларнинг ҳудудий тузилмала-ри, корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар ва инвестор-лар қатнашди.

(Давоми 8-бетда.)

Газетани берақалаганда:

Юкинг ерда қолмагай, она юрт, ота макон!

Эл бошига кўтаргай удуларин ҳар қачон, Давлатинг пойдор, шаъну шавкатинг жаҳон бўлгай.

10-бет

Эркакларнинг шоҳ асари

Рақс усталари ушбу шоҳ асарни келажак авлодга ўз ҳолича, тўла-тўқис еткази оли-шига ишончимиз қомил.

11-бет

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мана шу Стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада олиб борилаётган амалий ҳаракатлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Биз ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа — Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича катта ишларни бошлаб юбордик.

Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилаётганидан ҳам хабардорсиз, албатта.

Бундан ташқари, яқинда "Қадирий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилдик. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хоржидаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тизилди.

Биз ана шундай марказлар фаолиятини самарали ташкил этишда сиз, азизлар ўз истеъдодингиз, билим ва тажрибангиз билан яқиндан ёрдам берасиз, деб ишонамиз.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуг санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрида Адиблар хиббони бунёд этилаётгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намояндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилган, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотиралари

ни абадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Бу ишларнинг мантқиқий давоми сифатида ёш шоир ва адиблар, актёр, рассом ва кўшиқчилар, журналистларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол. 2010 йилдан буён Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" сериясида 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, 73 номда, жами 1 миллион 220 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди ва улар республикамизнинг барча таълим муассасаларига бепул етказиб берилмоқда.

Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттираемиз — мен бу ҳақда кейинроқ батафсил гапираман. Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшас, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Лекин табиий бир савол туғилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг қўламли илохотлар, янгилиниш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда?

Албатта, биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этаемиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлгимизни англаш, гурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш — сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз.

Лекин, кўлимизни кўксимизга қўйиб ҳолисона айттайлик: ижодкор зиёлиларимизнинг бугунги фаолияти жамиятимизни, энг аввало, элурт тақдир учун доимо куюниб, ёниб яшайдиган, бедор қалб эгалари бўлган сизларнинг ўзингизни қониқтирадимиз?

Ўйлайманки, ҳозирги кунда маданият ва санъат аҳлида фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётганини ўзларингиз ҳам ҳис қилиб турибсиз.

Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арболлари ҳаммаша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?

Азал-азалдан халқ ижод аҳлига жуда катта ҳурмат ва ишонч билан

қараши сизларга яхши маълум. Русча ибора билан айтганда, уларга "властители дум", яъни "жамият тафаккурининг эгалари" деган юксак баҳо бериб келиниши албатта беҳиз эмас. Чунки, сизларга Яратганининг ўзи шундай ноёб истеъдод ва салоҳият ато этганки, бундай хусусият, бундай фазилат ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Адабиёт ва санъатнинг нақадар қудратли кучга эга экани ҳақида сиздек зукко инсонлар ҳузурида сўз юритишга, очигини айтсам, мен бироз тортинаман. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланяпмизми? Ёки улуг адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфляпмизми?

Албатта, санъаткорларимиз ўртида халқимиз олдидаги маънавий ва ижтимоий бурчини, фарзандлик қарзини чуқур англаб, ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, жамиятимизнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган инсонлар оз эмас.

Замон билан ҳамнафас ижод қилиб, бошқаларга ўрнак ва намуна кўрсатаётган фидойи, фаол зиёлиларимизнинг аксарият қисмини бугунги даврамизда кўриш шахсан менга катта хурсандчилик бағишлайди. Уларнинг ижодий изланиши ва ютуқлари, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётига бағишланган сермазmun асарлари ҳақида узоқ гапириш мумкин ва бунинг учун биз улардан миннатдоримиз. Лекин, бундай асарлар асосан шоир ёки адиб, рассом ёки режиссёр, бастакорнинг шахсий ташаббуси билан яратилаётгани сир эмас. Уларнинг дунёга келишида ижодий жараёнларни мувофиқлаштириб, санъат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ҳақиқий таянч ва суянч бўлиши зарур бўлган ижодий уюшмаларимиз ва давлат идораларининг ўрни ва таъсири етарлича сезилмаяпти. Ижодий ташкилотларимиз шиддат билан ўзгараётган замонга ҳамқадам бўлиб яшаш, ўз фаолиятини самарали ташкил этишда давр талабларидан орқада қолмоқда.

Аслида улар нафақат бугунги кун, балки келажакни кўзлаб иш тутиши, шу асосда пухта ўйланган, мустаҳкам режаларни тузиши керак эмасми? Дейлик, 15-20 йилдан кейин Ўзбекистоннинг маданий ривожланиши қандай кечади, бугун биз яшаётган Интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни қучайтириш мумкин, деган тўғри ва одилона саволлар барчамизни, биринчи навбатда, халқимизнинг энг илғор вакиллари бўлган ижод аҳлини ўйлантириши зарур эмасми?

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижодий уюшмаларнинг бугунги фаолиятида тадбирбозлик, шунчаки ҳўжақўрсинга ишлаш, сусткашлик ва лоқайдлик кайфиятлари тобора яққол кўзга ташланмоқда. Ижодий ташкилотлар раҳбарларининг аксарияти фақат юқоридан бўйруқ кутиб ишлашга ўрганиб қолгани,

уларнинг фаолиятида умумий мақсад учун жон куйдириш, ташаббус ва ташкилотчилик сезилмаётгани албатта ачинарли ҳол.

Мен бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида ижодий ташкилотларимизнинг Низомлари билан танишиб чиқдим. Қаранг, бугун биз қўяётган саволлар, долзарб вазифаларни амалга ошириш аслида бу тузилмаларнинг Низомларида аниқ белгилаб қўйилган экан. Демак, ижодий ташкилотларимиз ўз фаолиятининг пойдеворини ташкил этадиган асосий ҳўжжат — Низом талабларига амал қилмаяпти, десак, тўғри бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Бадиий академияси, Бастакорлар уюшмаси каби ташкилотларда ана шу талабларга эътибор қилмаслик, хусусан, съезд ва сайловларни ўз вақтида ўтказмаслик ҳолатлари ҳам шундан далолат беради.

Бастакорлар уюшмасининг қурултои 1995 йилдан сўнг — орадан анча вақт ўтиб, нихоят 2014 йилда, шунда ҳам юқори ташкилотларнинг талаб билан ўтказилганини қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки, бугунги кунда барча давлат ва нодавлат ташкилотлар учун халқ билан доимий мулоқот қилиш, халқ олдида ҳисобот бериш энг асосий талаб сифатида қўйилмоқда.

Ёки биз бир пайтлар катта умид билан ташкил этган Бадиий академия фаолиятини оладиган бўлсак, бу ерда 2003 йилдан буён сайлов ўтказилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳозирги вақтда академияда 10 та ҳақиқий аъзолик ўрни бўшаб қолгани ҳолда, нега янги сайлов ўтказилмаётганини тушуниш қийин.

Бу албатта мазкур уюшмаларда маъсулият туйғуси, ишчанлик ва ижодий муҳит йўқолиб бораётганининг натижасидир.

Айни пайтда, адабий-бадиий жараёнларда кўзга ташланаётган салбий тенденциялар, хусусан, маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқаётгани, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз асарларнинг бозори қаққон бўлиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Афсуски, ижодий уюшмалар томонидан бундай ҳолатларга принципал баҳо берилмаяпти, уларни бартафат этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий тақлифлар ўртага қўйилмаяпти.

Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи? Бу борада Маданият вазирлиги, "Ўзбекино" агентлиги, Бастакорлар уюшмаси, "Ўзбекконцерт" ва бошқа ижодий ташкилотлар қошидаги бадиий кенгашларнинг фаолияти деярли сезилмаяпти.

Яратилаётган асарлар, фильм ва спектакллар, кўрғазма ва концерт дастурларига принципал ва маънавий баҳо бериш, матбуотда ҳолис ва ҳаққоний рецензиялар, ҳулосалар билдириш тобора камёб ҳодисага айланиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 5-avgust, № 62 (9023)

АДАБИЁТ ВА САЊАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЊАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАЊКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Яна бир ташвишли ҳолат — ижодий уюшмалар ўртасида ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилмаган. Бадий академия, Бастакорлар, Ёзувчилар, Журналистлар, Кино арбоблари уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ижодий муносабатлари деярли тўхтаб қолган, уларнинг ҳар бири ўз ёнига ўзи қоврилиб ётибди. Ваҳоланки, ушбу тузилмалар фаолиятида биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб ижодий ва ижтимоий муаммолар тўпланиб қолган.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича мавжуд ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техника салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод аҳлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш каби бир-биридан муҳим ва долзарб масалалар ижодий уюшмалар эътиборидан четда қолиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда зиёлилар даврасида ингил-елпи китоблар, саёз, олди-қочди газета-журналлар, теле-радио станциялар кўпайиб бораётгани тўғрисида ҳақли эътирозларни эшитиш мумкин.

Ҳозирги пайтда юртимизда турли мулк шаклига эга бўлган 1513 та оммавий ахборот воситаси, шунингдек, 122 та нашриёт фаолият олиб бормоқда. Аммо уларнинг барчаси ҳам бизнинг миллий ғоямизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаяптими, деган савол кўндаланг турибди. Хусусий нашриётларнинг кўпчилиги бир вақтлар вилоятларда ҳам нашриётлар бўлсин, деган нотўғри ёндашув билан ташкил этилган, уларнинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти ниҳоятда ночор экани китоб деган мўътабар тушуначанинг қадрини туширишга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу муаммони қонуний асосда қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида амалий таклифлар деярли учрамайди.

Бошқаларга қандай, билмадим-у, аммо менинг назаримда, бундай салбий ҳолатнинг бош сабаби мамлакатимиз ахборот бозорининг тартибга солинмагани билан боғлиқ. Бу борада сон эмас, сифат ва самара муҳим. Майли, нашриётлар сони 122 та бўлмасин, озроқ бўлсин, лекин талабга жавоб берадиган бўлсин.

Биз бугун китобхонлик маданиятини ошириш, илмий, бадий, сиёсий адабиётларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор беришимиз. Аммо бу ишларни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширишимиз, бошлаган олижаноб ҳаракатимизни обрўсизлантиришга йўл қўймаслигимиз шарт.

Афсуски, матбуот ва ахборот соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда ваколатли ва масъул орган вазифасини бажариши керак бўлган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бу борада фақат

қузатувчи бўлиб ўтирибди. Шунинг учун яқинда Матбуот ва ахборот агентлигига янги раҳбар тайинланди. Шу билан бирга, ушбу ташкилот фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича Президент қарори тайёрланмоқда.

Қадрли дўстлар!
Ҳаммангиз гувоҳсиз, бугунги кунда Ўзбекистон улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонида айланмоқда. Замонавий корхона ва иншоотлар, автомобиль ва нефть заводалари, тўқимачилик комбинатлари, эркин иқтисодий зоналар барпо этиляпти. Янги-янги конлар ишга туширилмоқда, минтақа ва ҳудудларимизда автомобиль ва темир йўллари, сув омборлари, мухташам кўприклар, аҳоли учун арзон уй-жойлар, кўплаб илм-фан, тиббиёт, маданият ва спорт марказлари қурилмоқда, минглаб гектар майдонларда катта-катта боғ-роғлар яратилмоқда.

Энг муҳими, мураккаб ва оғир, чуқур билим ва тажрибани талаб қиладиган шароитларда, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, мана шундай катта лойиҳаларни ким амалга оширяпти, ким бу ишларни қилаяпти? Ўзимизнинг одамлар, ўзимизнинг йигит-қизларимиз. Ана шу қора кўзларнинг меҳнати ва жасорати, Ватанга фидойилиги ҳар қандай эътироф ва таҳсинга лойиқ эмасми?

Бундай бунёдкорлик ишлари, мен ўйлайманки, ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи бўлиб, янги асарлар учун мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган мана шундай қурувчи ва муҳандислар, дала заҳматқашлари ҳақида, жонқуяр муаллим ва шифокорларимиз, жасур ҳарбийларимиз, навқирон ёшларимиз эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида сизлар ёзмасангиз, Ватанимиз тарихининг бадийи солномасини сизлар яратмасангиз, ким яратади? Агар биз истеъдод ва маҳоратимизни шу муқаддас замин, шу олижаноб халқимиз учун сафарбар этмасак, ҳазрат Навоий айтмоқчи, бу ҳунарни асраб нима қиламиз, қаерга опкетамиз уни?

Неча йиллардан бери масала кўямиз — замонавий қаҳрамон образини яратайлик, деб. Лекин бирор-та жиддий натижага эриша олдимики?

Албатта, бу борада қандайдир интилиш ва ҳаракатлар кўзга ташланаётганини, бадийи ва публицистик асарлар, пьеса ва киноленталар пайдо бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Аммо уларнинг кўпчилиги юракдан чиқмаган, зўрма-зўраки уринишлар бўлиб, ҳали маданий ҳаётимизда воқеа бўладиган етук ва мукамал асарлар яратилгани йўқ, десак, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Очигини айтганда, баъзи ижодкорларга бу масала бироз ғалати туюлиши, улар буюртма билан яхши асар, тўлақонли образ яратиш бўлмайди, деган фикрни билдириши ҳам мумкин. Лекин мен ўйлайманки, санъаткор — агар у ҳақиқий истеъдод эгаси бўлса — ижтимоий буюртма асосида ҳам етук асар яратишга қодир бўлади. Фафур

Фулум, Ҳамид Олимжон, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов ва бошқа атоқли шоирларимиз ижодидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. "Алишер Навоий", "Тоҳир ва Зухра", "Абу Райҳон Беруний", "Маҳаллада дув-дув гап", "Ёр-ёр" каби машҳур фильмларимиз ҳам ўз вақтида давлат буюртмаси билан яратилгани сизларга яхши маълум.

Ёки Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳордек талабчан адиб ҳам бир пайтлар Мирзачўлга бориб, икки-уч ой чайлада яшаб, буюртма билан "Шоҳи сўзана" деган гўзал асар ёзганини, у дунёнинг кўплаб мамлакатларида саҳнага қўйилиб, шўхрат қозонганини ҳаммамиз биламиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сиз, азиятларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Энг истеъдодли ва масъулиятли ёзувчиларимиз, кино, театр, мусиқа ва тасвирий санъат арбобларига ижтимоий буюртма бериш масаласини тизимли асосда йўлга қўйсак, уларни юртимизнинг турли ҳудудларига ижодий сафарларга юбориб, янги асарлар яратишга рағбатлантирсак, нима дейсизлар?

Масалан, таниқли шоирларимиз Анвар Обиджон Фаргона водийсида, Маҳмуд Тоир Ташкент вилоятида, Сирожиддин Саййид Сурхон воҳасида бўлаётган бугунги улкан ўзгаришлар ҳақида янги асарлар ёзиб берса, қандай яхши бўларди.

Ёки ҳурматли шоирамиз Халима Худойбердиева бугунги ёш ўзбек қизлари ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари ҳақида бир асар — майли, бу дoston бўладими, драма ёки сценарий бўладими — ёзиб берсалар, айнаи муқддо бўларди. Мана шундай асарларни биз Ойдин Ҳожиёва, Энаҳон Сиддиқова, Шарифа Салимова, Хосият Бобомуродова, Фарида Бўтаева, Гулайша Есемуратова, Зулфия Мўминова, Зулфия Куролбой кизи ва бошқа фаол ижодкор аёлларимиздан ҳам кутиб қоламиз.

Мана шу даврада ўтирган, жойларда бизни эшитаётган барча ижодкор дўстларимизнинг ҳам ижодий режалари бўлса, биз ижодий уюшмаларимиз орқали бундай таклифларни кўриб чиқишга тайёрмиз. Агар Абдулла Қаҳҳор чайлада яшаб асар ёзган бўлса, биз сизлар учун барча шароитларни яратиш, керак бўлса, гонорарини олдиндан, 5-10 ҳисса қилиб тўла беришга ҳам тайёрмиз.

Шу ўринда мени кўпдан буён ўйлантириб келаётган яна бир масала бўйича сизлар билан фикрлашмоқчиман.

Барчамиз, айниқса, бу ерда йилган ижодкор зиёлиларимиз, бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улғу аждодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамisha фахрланамиз. Мисол учун, биронта жангда ингилмаган буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурни оламизми, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмийни оламизми, Колумбдан 500 йил олдин Американи кашф этган Беруний бобомизни оламизми, ўрта асрларда тиббиёт фанининг пойдеворини яратган Ибн Синони оламизми, ас-

трономия соҳасида бекиёс кашфиётлар қилган Мирзо Улугбекни оламизми — ҳаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бундай улғу аждодларимизнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин.

Лекин, ҳолисона айтганда, кейинги пайтда ана шундай улғу зотлар, улар қаторида Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мўъин Насафий каби азиз-авлиёларимиз, Алишер Навоий, Бобур каби шоир ва мутафаккирларимиз хотирасини кино экранларида акс эттириш учун бирон-бир арзийдиган иш қилдикми? Тан олиш керакки, йўқ.

Бу мавзуларда бундан қирқ-элик йил олдин устоз кино ижодкорларимиз томонидан баъзи бир асарлар яратилган бўлиб, улар ҳозирга қадар экранлардан тушмай келмоқда. Мустабид тузумнинг оғир шароитида шундай кинофильмлар яратганлари учун улардан албатта миннатдоримиз. Лекин бу асарлар ўз даврининг мафқураси билан сурғорилгани, уларнинг айримларида тарихий ҳақиқат бузилганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Албатта, яқин ўтмишимизда ҳам таниқли режиссёрларимиз томонидан бу борада баъзи бир ҳаракатлар бўлганини эътироф этиш лозим. Масалан, атоқли адибларимиз Ойбек ҳамда Пиримкул Қодировнинг романлари асосида таниқли телережиссёр Мақсуд Юнусов "Алишер Навоий" ва "Бобур" видеофильмларини яратганини, уларда машҳур актёрларимиз маҳорат кўрсатганини яхши биламиз. Аммо бу фильмларни суратга олишда моддий-молиявий ва техник имкониятлар ниҳоятда чеклангани яққол сезилиб туради. Кейинчалик "Ўзбекфильм" студияси "Буюк Амир Темур" бадийи фильминини яратди. Лекин, минг афсуски, бу асар қутилган натижани бермади, уни "Мана бизнинг Соҳибқирон бобомиз!" деб фахрланиб, кўз-кўз қилиб кўрсатишининг имкони бўлмади.

Ижодкорларимиз тарихий мавзуга қўл урар эканлар, кўламни кенгрок олишга, маррани баланд қўйишга алоҳида эътибор қаратишларини истардик. Чет элларда Спартак, Ганнибал, Александр Македонский, Наполеон, Леонардо да Винчи, Бетховен, Лев Толстой каби буюк шахслар ҳақида тарихий ва бадийи жиҳатдан мукамал қандай етук асарлар яратилган!

Ҳолбуки, бизнинг улғу боболаримиз ҳам улардан зиёд бўлса зиёдики, лекин асло кам эмас. Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айнак кино санъати орқали ҳаҳон экранларини забт эттишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин.

(Давоми 4-бетда.)

АДАБИЁТ ВА САЊАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЊАВІЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАЊКАМ ПЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат буюртмаси асосида буюк тарихий аждодларимиз ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильмлар яратиш учун махсус ижодий гуруҳлар ташкил этиш, ўйламанки, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мисол учун, ҳурматли адабимиз Мухаммад Али кўп йиллардан буён Амир Темур бобомиз ҳақида қанча-қанча китоблар, романлар яратди. Мана шу асарлар асосида кино режиссёрларимиз, айтилик, муҳтарам Шухрат Аббосов ёки Зулфиқор Мусоқов, юксак халқаро мезонларга жавоб берадиган фильмни нима учун яратиши мумкин эмас?

Ёки, масалан, атоқли режиссёримиз Баҳодир Ёўлдошев ҳам неча йиллардан буён Мирзо Улуғбек ҳақида мукамал бир асар яратиш орзуси билан юрганини мен яхши биламан. Таниқли олим, Астрономия институтининг директори Шухрат Эгамбердиев ҳам Мирзо Улуғбекнинг ўлмас меросини бутун дунёда тарғиб қилиб юрибди. Уларнинг мана шундай сай-ҳаракатларини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиш берсак, мен ўйламанки, ҳақон кино экранларига чиқа оладиган гўзал бир бадиий фильм вужудга келган бўларди.

Мана, бугун даврамизда Рихсидой Мухаммаджонов, Хилол Насимов, Ёлқин Тўйчиев каби истеъдодли сценарист ва режиссёрларимиз ўтирабди. Айни вақтда, Баҳодир Одиллов, Абдуҳалил Менгноров, Аюб Шахобиддинов, Мансур Абдуҳалиқов сингари таниқли режиссёрларимиз ҳам фаол ижод қилляпти.

Мен сезиб турибман, бу гапларни эшитиб, кўпчилик ижодкорларда "Эй, жаноб Президент, сиз айтган тақлифларни амалга ошириш учун жуда катта маблағ керак, энг замонавий кино аппаратлар, тарихий либослар керак, қанча чет мамлакатларда сьёмка ишларини олиб бориш керак, минг-минглаб одамларни бу жараёнларга жалб этиш керак", деган фикр тугилиши табиий.

Бизнинг нафақат тарихимиз, балки бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган бу вазифани амалга ошириш учун биз катта миқдордаги маблағларни, керак бўлса, эркин муомаладаги валюта маблағларини ҳам топиб беришга, киночиларимизни чет давлатларга ижодий сафарларга юборишга ҳам тайёрмиз. Худого шукур, бугунги иқтисодий аҳолимиз бунга имкон беради.

Азиз дўстлар, менинг бу сўзларимни буйруқ ёки топширик деб эмас, илтимос деб, ижодга даъват деб қабул қилишингизни истардим. Агарки, бирон кишига "давлат буюртмаси" деган сўз бошқача туюладиган ёки малол келадиган бўлса, марҳамат, буни ҳозирги мода бўлган тилда "давлат гранти" деб атайлик.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб кела-

ётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир.

Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, **бу масала биз учун ҳақиқатан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир** ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир.

Шу маънода, бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган **"Ўз болангни ўзинг асра!"** деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши учун ижодий ташкилотларимиз ҳам ўз масъулиятини жиддий равишда қайта кўриб чиқишлари давр талабига айланмоқда.

Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар "оммавий маданият" тахдиди фақат четдан — Фарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орампдан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаяётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаятган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Энг ёмони, бадиий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда.

Биз "жаҳолат" деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Биз бугун жаҳолат деган балого иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ва бу иллат кўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас.

Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди.

Шу нуқтаи назардан, кино соҳаси фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга, жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланади. Баъзи фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Энг ёмони, номдор санъаткорлар, ҳатто "Ўзбекистон халқ артисти" деган юксак унвонга сазовор бўлган актёрлар ҳам мана шундай киноларда турли бачкана роллари ижро этмоқда. Аввал дурусти-

на фильмлар яратган режиссёрлар ҳам, сал ўтмасдан, хом-хатала асарлар билан томошабинларнинг ихлосини қайтармоқда.

Яқинда "Тошкент ҳақиқати" газетасида шу мавзудаги бир мақола ўқидим. Мақола муаллифи айрим киноларимизнинг хорижий фильмлардан айнан кўчириб олингани, яъни адабий ўрилик — плагиатга йўл қўйилаётгани ҳақидаги фикрларни баён этиб, аниқ мисолларни келтиради. Афсуски, бу миллий киноларимизга нисбатан билдирилаятган ягона танқидий фикр эмас. Бундай мақолаларни матбуотда кўплаб учратиш, бундай фикрларни жуда кўп одамлардан эшитиш мумкин.

Ўзингиз айтинг, ижодкорнинг шаъни, гурури, санъатга садоқат деган тушунчалар қаёқда қолди?

Ваҳоланки, ҳозирги вақтда биз кино соҳасига давлат бюджетидан ҳар йили миллиардлаб сўм маблағ ажратаяпмиз. Биргина шу йилнинг ўзида "Ўзбекино" миллий агентлигига бюджетдан 12 миллиард 400 миллион сўм ажратилади.

Ёки бўлмаса, республикамиздаги мавжуд 37 та театр фаолиятини таъминлаш учун ҳам ҳар йили катта миқдорда маблағлар йўналтирилади. Бу йилнинг ўзида ушбу мақсадда давлат бюджетидан 81 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Албатта, давлатимиз, жамиятимиз санъат ривожини учун ҳеч нарсани аямайди. Лекин бу борада қутилган натижага эришиляптими? Бу саволга бугун ижодий жавоб бериш қийин эканини, ўйламанки, ҳаммамиз яхши биламиз.

Ақсарият театрларимизнинг репертуарлари гоёйи-бадиий жиҳатдан ночор, улардан ўрин олган спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топмаяпти.

Афсуски, театрларимиз кўпроқ маиший мавзулардаги энгил-елпи, бачкана асарлар, одамга на маънавий озоқ, на эстетик завқ берадиган томошаларни намойиш этишга ўрганиб қолган.

Ҳурматли театр арбобларимиз ўзларининг матбуот ва телевидениедаги чиқишларида кўпинча маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг **"Театр — ибратхонадир"** деган ҳикматли сўзларини келтиришни яхши кўрадилар. Лекин мана шу доно сўзларни фақат оғизда айтмасдан, ўз фаолиятимизда уларга амал қилсак, айни муддао бўларди, деб ўйлайман.

Мен гоҳ-гоҳида маданият соҳасига масъул бўлган раҳбарларимиздан "Қачон энди, бир яхши спектакль ёки кинофильм яратиш, бизни тақлиф қиласизлар", деб сўраб тураман. Афсуски, шунда улар жиҳлат тортиб, "Шавкат Миромонович, ҳали сизга кўрсатадиган муносиб асарлар яратолганимиз йўқ, бизга яна озгина фурсат беринг", дейишади. Майли, мен тушунаман, бу ижодий жараён, лекин ҳар қандай муддатнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку. Ўзингиз айтинг, халқимизга манзур бўладиган фильм ва спектакллар қачон яратилади?

Азиз дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимизда маданият тизимини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа даврда бу борада икита муҳим ҳужжат — "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" фармон, "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилдик. Лекин, шундай бўлса-да, бугунги кунда тизим фаолиятини қоникарли баҳолой олмаيمиз. Маданият вазирлиги мутасаддиларида сусткашлик, ўзибўларчилик, хотиржамликка берилиш кайфияти давом этмоқда.

Вазирлик раҳбариятида барча маданият ва санъат тўзимлари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга илмий-услубий ёрдам бериш, бир сўз билан айтганда, маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш салоҳияти етишмаяпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилаётган кадрларнинг 50 фоиздан зиёди олий маълумотга эга эмас. Бунинг асосий сабаби, институтларни битириб жойларга ишга бораётган кадрларга зарур шароит яратиш берилмаган.

Бугунги кунда вазирлик тизимида 41 та музей ва уларнинг 76 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Ана шу музейларда, ёрдамчи фондлар билан бирга, 1 миллион 736 мингдан зиёд экспонат мавжуд. Бу — жуда катта бойлик. Лекин бу бойлиқни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда ўрганиш, ташвиқот қилиш, келажак авлодларга етказиш масаласида, афсуски, қатор муаммолар бор. Масалан, "Музейлар тўғрисида"ги қонунда белгиланган миллий музей фонднинг давлат каталогини яратиш ҳақидаги талаб 8 йилдан буён бажарилмапти.

Яна бир муҳим масала — энг оммавий санъат бўлган эстрада санъатини ривожлантириш вазирлик эътиборидан четда қолмоқда.

Энг асосий камчилик — бу соҳада ижод қилаётган ақсарият ижрочилар фаолиятида талабчанлик ва масъулият, ижтимоий жараёнларга дахлдорлик туйғуси тобора пасайиб бормоқда.

Мен ўз тажрибамдан яхши биламан, катта байрамларимизни — бу Мустақиллик, Наврўз ёки Конституция байрами бўладими — уларни ўтказишда бизни энг қийнайдиган, хунобимизни чиқарадиган нарса — бу эстрада дастури эканини ҳаммангиз яхши биласиз. Минг афсуски, мана шу ҳолат ҳали ҳам барҳам топгани йўқ.

Эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари ҳеч қимга сир эмас. Кўпчилик қўшиқчилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий гоёлар билан яшаш, санъат дунёсига, муҳлисизларга ҳурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган, десак, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳам ҳақиқат.

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 5-avgust, № 62 (9023)

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда.)

Шундай санъаткорлар ҳам бори, унвон олгунча тинимсиз елиб-югуради, ҳол-жонингизга қўймайди. Унвон олдимиз, тамом, сувга тушган тошдек жим бўлиб кетади. Улардан унвонга яраша, халқнинг эътиборига яраша ижод қилиш, деб сўраш ўринлими ёки йўқми? Ижодкорнинг талаби билан бирга бурчи ҳам бўлиши керак эмасми?

Шу муносабат билан мусиқа санъати соҳасида фахрий унвонлар, авваломбор, “Ўзбекистон халқ артисти”, “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” каби мукофотлар билан тақдирлаш масаласини, бу борада қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Кўпчилигимиз яхши биламиз, илгари “Халқ артисти” деган унвон олиш учун санъаткор неча ўн йиллар самарали ижод қилиши талаб этиларди. Масалан, машҳур ҳофиз Таваккал Қодиров “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонини олганидан кейин — шунга эътибор беринг — орадан 25 йил ўтиб, “Ўзбекистон халқ артисти” унвони билан тақдирланган эди. Яқин ўтмишдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу маънода, унвон беришда санъаткорнинг фақат тўртта қўшиғи эмас, унинг ижтимоий фалонлиги, муносиб шоғирлар тарбиялагани, эл-юрт ўртасидаги обрў-эътибори, энг муҳими, санъатга садоқати устувор мезон сифатида белгиланиши шарт. Бошқача айтганда, биз бу юксак унвонларнинг нуфузи ва обрўсини сақлашимиз лозим.

Бизнинг халқимиз — санъатсевар халқ, ўзи севган, ёқтирган ижорчиларни нафақат телевизор ёки сахнада, балки ўзининг яхши кунларида, тўй-ҳашамларида ҳам кўргиси келади. Буни ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Минг афсуски, бугунги эстрада хонандаларининг аксарияти ҳали Янгийўлга, ҳали Шовотга, ҳали Янгийўлгонга, ҳали Чирочқига тўйга қатнаш билан овора. Бошқа бирон масала билан иши йўқ.

Албатта, санъаткорда ҳам оила, бола-чақа бор, уларнинг ҳам ҳаётий эҳтиёжлари бор. Буниям тўғри тушунамиз. Лекин ижодни пулга, молдунёга алмаштирган одамдан санъат шафқатсиз ўч олади. Охиروقибатда ҳар қандай ёрқин истеъдод ҳам сўниб, эл-юрт назаридан қолади.

Шу ўринда, яна бир масалага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Гап санъаткор одоби, уларнинг юриш-туриши, кийиниш маданияти, муомаласи билан бошқаларга, энг аввало, ёшларимизга ўрнатилган зарурлиги ҳақида бормоқда.

Хушовоз хонанда Санобар Раҳмонованинг бир пайтлар куйлаган дилбар шўшиқларини томошабинлар ҳозир ҳам соғиниб эслайдилар. Бу санъаткор телеэкранда ҳам, сахнада ҳам ибодли, ҳаёли, ҳақиқий ўзбек қизининг қиёфасини, чинакам об-

разини яратиб, қанча-қанча қизларимизга ибрат бўлган эди.

Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида гарбга тақлид сезилиб турадиган, очиқ-сочиқ кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши.

Албатта, бундай муаммолар санъатни муқаддас деб биладиган устоз ижодкорларимизни ҳам қийнаётгани табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбекконцерт” қошида “Ўзбекистон халқ артистлари” клубини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу клуб аъзолари мунтазам йиғилишиб, юртимиз ва жаҳон санъат оламида юз бераётган ижодий жараёнларни муҳокама қилиб борса, юқорида тилга олинган камчилик ва муаммоларни ечиш, ёш истеъдодлар тарбияси, маданиятимизни рағбатлантириш бўйича янги фоя, ташаббус ва таклифлар билдириб борса, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмасди. Клубнинг энг фаол аъзолари бўлган Халқ артистларини йил якуни бўйича эътироф этиб, рағбатлантириб боришни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Сизларга маълумки, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа давлатлардан фарқли ўларок, фақат Ўзбекистонда эстрада ижодкорлари аҳолига маданий хизмат кўрсатишдан тўлақон даромадлари бўйича солиқ тўлаш мажбуриятини овоз қилинган. Айтилик, хонандаларимиз ўзининг гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш учун бир йилда бир марта белгиланган тартибда маълум миқдордаги маблағни тўлаб, лицензия олади. Бўлди. Бошқа солиқ йўқ. Аксарият кўчиқчилар мана шу лицензияга тўлайдиган пулини битта тўйда топиши ҳам сир эмас.

Шунинг учун баъзан молия ва солиқ идоралари томонидан эстрада хонандаларини, бошқа давлатлардаги каби, даромад солиғига тортиш бўйича таклифлар билдирилади. Лекин биз азбаройи санъатимиз, маданиятимиз ривожини, халқимизнинг маънавий савиясини юксалтиришни ўйлаб, бу таклифларга розилик бермай келаямиз.

Ҳаммангиз тушунасиз, саломга яраша алик ҳам бўлиши керак. Халқимиз санъаткорлардан яратилган ана шундай имконият ва имтиёзларга яраша жавоб кутишга ҳақли, албатта.

Шу муносабат билан бугун бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий фойда кўриш мақсадида қираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳасига борсин. Мана, бу борада қанча-қанча имконият ва имтиёзлар яратиб бераямиз — шу

соҳага ўтиб ишласин. Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган муқаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Буни ҳеч қим ҳеч қачон унуттишга ҳаққи йўқ.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, яна бир муҳим, таъбир жоиз бўлса, нозик бир масала хусусида сизлар билан маслаҳатлашиб олишни зарур деб биламан.

Жойларда бўлаётган учрашув ва мулоқотларда кўп-кўп одамлар менга айтяпти, Виртуал қабулхонага ёзаяпти, “Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб беринглар”, деб мурожаат қилаяпти. Ҳақиқатан ҳам, айни шу масала неча йиллар, ҳатто асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз.

Мана, ўзинглар кўряписизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар эллика қирмасдан туриб тўсатдан инсульт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиламан, деб қарзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутулмасдан, яна тўй қилиши керак. Очиғини айтдиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий мождарлар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу нарсага бориб тақалади.

Энг ёмони, айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади.

Мана, Тошкентдаги тўйларда “келиннавкар” деган яна бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқаяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганяпти бунга?

Яқинда ўтган “Камолот” курултойида мен ёшларнинг оғзини пойладим. Бирорта йигит ёки киз чиқиб, “Эй, дўстлар, тенгдошлар, биз уйланамиш, турмушга чиқамиз деб ота-оналаримизни ниҳоятда қўйнаб қўйдик. Келинлар энди, уларни бундай оғир ташвишга қўймайлик, келажакимизни, миллатимизнинг шаънини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказайлик”, деган гапларни айтармикан, деб кутдим. Афсуски, улардан бу масалада ҳеч қандай фикр эшитмадим.

Тўй-маърака — бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала эканини инобатга олган ҳолда, Бош вазир А.Арипов, Бош вазир ўринбосари Т.Норбоевага тегишли таш-

килотлар билан биргаликда оилавий маросимларни тартибга солиш, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш бўйича бир ой муддатда Президент қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилади.

Қадрли юртдошлар!

Албатта, адабиёт ва санъат, маданият соҳаларида юзага келган жиддий муаммо ва камчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Буларни барчамиз яхши тушуниб турибмиз.

Бугун биз “ижодкорларимиз ишламаяпти”, деб сизлардан, сизлар эса “давлат ёрдам бермаяпти”, деб сизлардан гина қилиб ўтиришимизнинг мавриди эмас. Келинлар, бугун ўз олдимизга “Ким айбдор?” деб эмас, “Ким нима қилиши керак?” деган савол қўяйлик.

Мен биламан, юксак маданиятли, камтарин инсонлар сифатида сизлар иш шароитингиз ёки моддий аҳволингиз ҳақида шикоят қилмайсиз. Бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда сизларни қийнаётган муаммоларни атрофича ўрганиб чиқдик ва уларнинг ечимлари бўйича бир қанча қарор лойиҳаларини тайёрладик.

Рухсатингиз билан, ана шу ҳужжатларнинг қисқача мазмуни билан сизларни таништириб ўтсам.

Биринчидан. Маънавий ҳаётимизни янги, юксак босқичга кўтариш, авваломбор, Бастакорлар, Рассомлар, Театр арбоблари ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, муносиб иш ва турмуш шароитини яратиш беришга хизмат қиладиган “Илҳом” жамоат фондиди ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланганини маълум қилмоқчиман.

Ушбу фондни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан 20 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилади ҳамда у 2022 йилга қадар барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинади.

Иккинчидан. Сизларга маълумки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил тоналани 70 йил тўлганига қарамасдан, ҳозиргача ўз бизнесига эга бўлмасдан, ижара билан фаолият кўрсатиб келаятган эди. Шунинг билан олиб, Адиблар хиёбони ҳудудида Уюшма учун алоҳида бино қуриляпти. Насиб қилса, мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами арафасида уни ёзувчиларимиз ихтиёрига топшираемиз. Ушбу янги бинода “Ижод” жамоат фонди, шунингдек “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик” журналлари ҳам жойлашади.

Шунингдек, бу ҳудудда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида 2 та кўп қаватли уй барпо этиш, шу тариқа ушбу ҳудудни том маънода адиблар масканига айлантириш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 6-бетда.)

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-, 5-бетларда.)

Яқин келгусида Зомин ва Паркент туманларининг сўлими ва хушманзара, илҳомбахш худудларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари — коттежлар қурилиши режалаштирилмоқда. Бу коттежлар ижодий иш учун маълум муддатга ижарага берилади. Уларга йўлланма билан борадиган адиб ва санъаткорларимиз ҳам ижод қилади, ҳам ёшларга маҳорат сирларидан сабоқ беради, деб умид қиламиз.

Маълумки, бир вақтлар Ўзбекистон Миллий университетининг қишида **Олий адабиёт курси** ташкил этилган эди. Ҳозирги вақтда унинг фаолияти нима учундир тўхтаб қолган. Сабабини суриштирсак, ушбу курс битирувчиларига тегишли давлат гувоҳномасини бериш масаласида муаммо бўлган экан. Мен ўйлайманки, бу курс ёш истеъдод эгаларини тарбиялаб вояга етказишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Олий ва ўрта maxsus таълим вазирлиги билан биргаликда бу масалани ўрганиб, тегишли таклиф киритишни сўрайман.

Иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий қамолоти учун барча шароитларни яратиб бериш устувор вазифаларимиздан бири бўлиши керак. Шу маънода, сизлар билан яна бир таклифни ўртоқлашмоқчиман.

Эсингизда бўлса, илгари яхши бир анъана бор эди. Яъни, маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича истеъдодли ёшларнинг республика миқёсидаги семинарлари ўтказиларди. Ана шу эзгу анъанани тиклаб, адабиёт, театр ва кино, musiqa ва таъсирий санъат, журналистика соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод эгалари учун **Ўзбекистон ёш ижодкорларининг семинарини** ташкил этсак, нима дейсизлар?

Бу ижодий анжуман ёшларимизни маҳорат сирларига ошно қилиш билан бирга, улар ўртинда дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳам қарор топтиришга хизмат қилган бўларди.

Учинчидан. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган молиявий механизм, орадан 20 йилдан ошқ муддат ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз аниқ белгиланмаган. Уюшмани алоҳида бино билан таъминлаш масаласи ҳам неча йиллардан бери ечилмай келмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини кучайтириш бўйича қарор лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу қарорда Уюшманинг молиявий манбаларини аниқлаш, вилоят бўлиmlарининг моддий-техника базасини кучайтириш, Уюшма ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш каби масалалар ҳам ўз амалий ифодасини топади. Ёзувчилар уюшмаси йил охирига қадар янги бинога кўчириштириш муносабати билан унинг

Ислоом Каримов кўчаси, 16-“А” уйда жойлашган идораси Журналистлар ижодий уюшмасига берилишини сизларга маълум қилмоқчиман.

Тўртинчидан. Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам Президент қарори тайёрланмоқда. Унга кўра, Бадий академия аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитларига тенглаштирилмоқда. Қарор лойиҳасида яна бир муҳим масала, яъни расом ва ҳайкалтарошлар томонидан яратилган асарларни давлат музейларига сотиб олиш учун Маданият вазирлигига ҳар йили 2 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратиш белгиланган.

Бешинчидан. Бугун биз Бастакорлар уюшмасининг фаолиятини танқид қилдик. Лекин кўп йиллар давомида бу Уюшмани ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз, унинг аҳолидан хабар олмаганимиз — буюм ҳақиқат. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бастакорлар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, композитор ва бастакорларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзда тутадиган Президент қарори лойиҳаси тайёрланди.

Олтинчидан. “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳам Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Ўзбекфильм”, “Қорақалпоқфильм” ва Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини кучайтириш, энг замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги кинотеатрлар қуриш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган бадий фильмлар сонини 2018 йилда 20 та, 2020 йилда 30 тага, мультипликацион фильмлар сонини эса 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб 50 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Агентлик ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тузилиши белгиланган.

Еттинчидан. 2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бугунги фаолияти, жумладан, қабул қувотлари, ўқув дастурлари ва қўлланмалари, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва ижодий салоҳияти, моддий-техника базаси, ётоқхоналарнинг аҳоли талабга жавоб бермай қолгани бу ерда ўтирган аксарият ижодкорларимизга яхши аён. Бугунги кунда бу ерда 700 нафар ўрнига 1352 нафар талаба тахсил олаётгани ҳам албатта таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарорга кўра, бу

ерда ўқув бинолари етишмай қолганини инобатга олиб, унинг Мирзо Улуғбек туманидаги Мустақиллик проспектида жойлашган аввалги биносини қайтариб бериш кўзда тутилмоқда. Бу бинода фаолият кўрсатаётган В.Успенский номидаги академик musiqa лицейи ўқувчилари ўзларининг олдинги биносидан ўқишни давом эттиришлари учун имконият етарли.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг энг яхши санъат коллежлари негизда Ўзбекистон давлат консерваториясининг ижодий таянч марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

Айни вақтда, консерватория фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун унинг ҳузурида maxsus фонд тузилади. Бундан ташқари, собиқ Свердлов концерт залини ҳам капитал таъмирлаб, консерватория ихтиёрига берамиз. Консерватория ёнида унга янги ётоқхона барпо этилади. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги мавжуд замонавий санаторийлардан бири консерватория ва умуман, шу йўналишдаги таълим муассасалари жамоаларига ажратилади.

Musiqa санъати соҳасидаги ушбу етакчи олий ўқув даргоҳининг нуфузи ва мақомини янада ошириш мақсадида Маданият вазирлиги айни вақтда консерватория ректори вазифасини бажариши ҳам қарорда белгиланган.

Саккизинчидан. Сизларга маълумки, бутун дунёда маданият вазирликлари шу мамлакатнинг юзи ҳисобланиб, энг гўзал, энг салобатли биноларда фаолият олиб боради. Афсуски, бизнинг вазирлигимиз ҳозирги вақтда ноқулай бир шароитда, асосан расмий идоралар жойлашган бинода иш олиб бормоқда. Бу эса маданий жамоатчилигимиз, ижод аҳлининг вазирлигига бемалол, эркин киричишига, бу ерда турли ижодий тадбирлар ўтказишга тўққизлик қилмоқда. Шунинг учун пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасидаги 1-уйи — илгари Ташқи савдо вазирлиги жойлашган кўркам, тарихий бинони Маданият вазирлигига ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Тўққизинчидан. Бугунги кунда адабиёт ва санъат, умуман маданият соҳаларида мавжуд муаммо ва камчиликларнинг туб илдизларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, уларнинг аксарияти малакали кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ экани аён бўлади.

Юқорида маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилаётган кадрларнинг 50 фоиздан зиёди олий маълумотга эга эмаслигини айтиб ўтдик. Айни вақтда, республика театрларида 45 фоиз ижодий ходимлар тегишли олий маълумотга эга бўлмаган ҳолда фаолият юритаётгани, туманларда жойлашган болалар musiqa ва санъат мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 72 фоизи ўрта maxsus маълумотга эга экани ҳам барчамизда жиддий ташвиш uyg'отди.

Яқинда Қўқон шаҳар musiqaли

драма театрига борганимизда ҳам худди шундай аҳволга дуч келдик. У ерда ишлаётган жами 53 нафар ижодий ходимнинг атиги 11 нафари олий маълумотга эга, холос. Қолган 42 нафарини ўрта maxsus ва ўрта маълумотга эга ходимлар ташкил этади. Албатта, бу муассасаларда ишлаётган ёш йигит ва қизлар астойдил интилиб ҳаракат қилаётган бўлса-да, барибир уларнинг фаолиятида зарур билим ва малака етишмаётгани сезилиб турибди.

Шунинг учун ҳам аввало маданият ва санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, musiqa ва санъат мактабларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Мана, юртимизда қанча болалар musiqa ва санъат мактаблари бор, айни вақтда миллий адабиётимиз ва санъатимизнинг атоқли намоёндалари номида янги ижодий марказлар ташкил қилинмиш. Ҳўш, уларда кимлар меҳнат қиляпти? Ёшларимизга ижод сирларини кимлар қай даражада ўргатапти? Таникли санъаткорларимиз, ёзувчи ва шоирларимизнинг бу мактаблар билан алоқаси қандай?

Хабарингиз бор, яқинда юртимизда атоқли санъаткор Комилжон Отаниёвнинг 100 йиллик юбилейи катта тантана билан нишонланди. Ушбу тадбирларда бу ерда ўтирган кўпчилик ижодкорларимиз иштирок этди. Кўшни республикалардан — Қозғоғистондан, Тожикистондан меҳмонлар келди. Махшўр ҳофиз Жўрабек Муродовнинг самимий сўзларини ҳаммамиз ҳаяжон билан эшитдик.

Қаранг, Комилжон Отаниёвнинг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё бўйича қанча-қанча шоғирдлари бор экан. Шу гапларни эшитганда, шахсан мен, буюк ҳофизимизнинг кўшигидан ҳам шоғирди кўп экан, деб ўйлаб қолдим.

Қани, айтинг-чи, бугун қайси Халқ артистимиз ўзининг шундай муносиб шоғирдлари борлиги, шоғирдпарварлиги билан мақтана олади? Шу саволлардан келиб чиқиб, сизларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Республикадаги ҳар бир musiqa ва санъат мактабига, ижодий марказларга таникли адабиёт, санъат ва маданият намоёндаларини бадий раҳбар ёки директор сифатида тайинласак, улар учун барча шарт-шароитларни яратиб берсак, нима дейсизлар?

Мана, даврамизда Фуломжон Ёқубов, Фаррух Зокиров, Ортик Отажонов, Юлдуз Усмонова, Махмуд Намозов, Зулайхо Бойқонова, Озодбек Назарбеков, Гафур ва Фулом Эшжоновлар, Гулсанам Мамазоитова каби Халқ артистлари ўтирибди. Сизларнинг ҳар бирингиз биттадан санъат коллежи ёки musiqa мактабига бориб раҳбарлик қилсангиз, мен ўйлайманки, бундан санъатимиз фақат ютган бўлар эди. Айни вақтда юзлаб шоғирдлар етиштириб, ўзингизга ҳайкал қўйган бўлардингиз.

Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовни ёш дик- (Давоми 7-бетда.)

2017-yil 5-avgust, № 62 (9023)

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАХКАМ ПЙДЕВОРИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 6-бетларда.)

торлар мактабига раҳбар қилиб қўйсақ, иқтидорли ёшларимиз у кишидан жуда кўп билим ва тажрибаларни ўрганган бўлар эди.

Машхур созандамиз Абдуҳошим Исмоиловнинг мақом ансамблига раҳбарлик қилиши албатта яхши. Лекин у кишининг ижодий салоҳиятидан ёшлар ҳам баҳраманд бўлса, нур устига нур бўларди. Мен мақом йўналишида янги коллеж ёки мусиқа мактаби очишни, унга Абдуҳошим Исмоиловни раҳбар қилиб тайинлашни таклиф қиламан.

Биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак.

Сизларга маълум, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус шаҳридаги филиали муваффақиятли фаолият кўрсатаяпти. Шу ижодий тажрибани давом эттирган ҳолда, Қўқон шаҳрида ҳам мазкур институтнинг филиалини ташкил этиямиз. Бу ўқув юрти Фарғона водийси вилоятлари учун юқори малакали маданият ходимларини тайёрлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қўқон шаҳрида санъат ахли учун янги кўп қаватли турар жой биноси ҳам қуриб фойдаланишга топширилди.

Юқоридики зикр этилган барча масалаларни комплекс ҳал этиш бўйича Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Юнусхўжаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, халқ таълими вазири У.Иноятов, маданият вазири М.Муратов, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Б.Зокиров бир ой муддатда тегишли таклифлар кириштирилари зарур.

Унингидан. Бугун маърифатли дунёда шундай анъана мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб билдиллар. Баъзан, қани эди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу қиламан.

Аждодларимиз ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларнинг вужудга келишида аввало ана шундай маърифатпарвар ҳомийларнинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамият касб этгани яхши маълум.

Шундан келиб чиққан ҳолда, яна бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Юртимиздаги етакчи ижодий ташкилотларнинг "дўстлари клублари"ни ташкил этсақ, уларга йирик корхона, банк ва компанияларни ҳомий сифатида бириктириб қўйсақ, шартнома асосида уларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйсақ, нима дейсизлар?

Масалан, Миллий банк раҳбари Сухроб Холмуродов биз Ўзбекистон давлат консерваториясини оталиққа оламиз, "Консерваториянинг дўстлари клуби"ни тузиб, унга раҳбарлик қиламиз, деган ташаббус билан чиқаяпти.

Олмалик кон-металлургия ком-

панияси раҳбари, сенатор Александр Фармонов эса "Биз Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг дўстлари клубига раҳбарлик қилсақ", деган таклифни билдираяпти. Халқ банки "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг дўстлари клуби"га раҳбарлик қилмоқчи.

Яқинда фаолияти тўхтаб қолган Театр арбоблари уюшмасини қайта тиклаш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда. Бу уюшма фаолиятига "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясининг ҳомийлик қилиш ҳақидаги ташаббусини эш албатта қўллаб-қувватлаймиз. "Ўзозик-овкатсаноатхолдинг" холдинг компанияси Юнус Ражабий номидagi мақом ансамблига ҳомийлик қилмоқчи.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ўзбек Миллий академик драма театри билан ёнма-ён жойлашган. Компания раҳбарияти "Қўшнимга ёрдам кўрсатаман, Миллий театрнинг дўстлари клубига раҳбарлик қиламан", деяпти. Раҳмат уларга.

Шулар қаторида Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон давлат академик катта театрига — "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбек давлат драма театрига — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Муқимий номидagi Ўзбекистон давлат мусиқали театрига — "Ўзсаноатқурилишбанк", Республика ёш тошбабинлар театрига — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Республика кўғирчоқ театрига — "Ўзэлтхсанонат" компанияси ҳомийлик қилиш истагини билдирмоқда.

Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театрини эса — "Капиталбанк", Ўзбекистон академик рус драма театрини — "Ўзгросуруга" компанияси, Ўзбекистон ёшлар театрини — "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти, Республика сатира театрини — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, "Томоша" болалар театр-студиясини — "Алоқабанк", "Дийдор" театр-студиясини — "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки оталиққа олмақчи.

Худди шу асосда Бастакорлар уюшмасига — "Асака банк", Рассомлар уюшмасига — "Ўзвиносаноатхолдинг" компанияси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига — "Ипотека банк", Миллий рассомлик ва дизайн институтига — "Ўздонмахсулот" компанияси, "Ўзбекино" миллий агентлигига — "Ўзавтосаноат" компанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига — Республика товар-хомуш бижраси ҳомий бўлиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи музейларни, аввало Адабиёт музейини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш бўйича Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев амалий таклифлар билдирмоқда.

Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимликлари ўз худудларидаги театрларга ҳомийлик қилиб, уларнинг фаоли-

ятини кучайтириш учун 1 миллиард сўмдан маблағ ажратиш ниятида экани барчамизни хурсанд қилмоқда.

"Ўтган кунлар" фильмида Юсуфбек ҳожи айтганидек, қаранг, бизнинг шундай маърифатпарвар раҳбарларимиз бор экан-у, биз беҳаббар юрган эканмиз. Келинглр, барчамизнинг номимиздан уларга раҳмат айтиб, ишларига муваффақият тилайлик.

Мен ишонаман, бу раҳбарларимиз ижодий уюшмаларга нафақат моддий, балки энг аввало, маънавий ёрдам берадилар. Яъни, оила аъзолари, меҳнат жамоалари билан биргаликда театрларга, кино ва кўрғазма залларига, концертларга бориб, бошқаларга намуна кўрсатсалар, нур устига нур бўларди.

Яна бир муҳим масала — ижодий соҳалар, жумладан, оммавий ахборот воситаларини бугунги талаблар асосида янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган қўшимча имтиёз ва преференциялар мuddатини яна 5 йилга узайтириш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Энг муҳими, бадий ижодкорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларига тўланаётган қалам ҳақи — гонорар миқдорини сезиларли даражада оширишга доир қарор лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмоқда ва у яқин кунларда қабул қилинади.

Таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимиз ҳам талабга жавоб бермайди. Шу мақсадда Интеллектуал мулк агентлигининг фаолиятини танқидий кўз билан қайтадан кўриб чиқиш зарур.

Ижод ахлини қийнаб келаётган муаммолардан бири — бу уй-жой масаласи билан боғлиқ. Мана шу долзарб муаммони ечиш учун Тошкент ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида имтиёзли кредит асосида "Ижодкорлар уйлари" барпо этилиб, бу уйлardan адилблар, рассомлар, актёр ва режиссёрлар, композиторлар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситаларининг фаол вакиллари, шу жумладан, истеъдодли ёш ижодкорларга квартиралар ажратилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда пенсия ёшидаги ижодкорлар энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан кўп миқдорда қалам ҳақи олган тақдирда, уларнинг пенсиясидан 50 фоиз маблағни ушлаб қоладиган тартиб мавжуд. Бир вақтлар узокни кўзламанган баъзи мансабдорлар томонидан жорий этилган бу тартиб айни ижодий камолотга етган ижодкорларимизнинг рағбатини сўндиришга хизмат қилаётгани сир эмас.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчиси О.Муродов, Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, молия вазири Б.Хўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевга бир ой мuddатда ушбу масала бўйича тегишли таклиф тайёрлаш вазифаси топширилади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз жамиятимизда китобхонлик

маданиятини юксалтириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттираемиз.

Айни пайтда шу мақсадни ўзида ифода этган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" қарор лойиҳаси тайёрланаётганини сизларга маълум қилмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, матбаа корхоналари учун зарур қоғоз ва бўёқ маҳсулотлари четдан валюта эвазига олиб келинаётгани китоб, газета ва журналлар нарҳининг қимматлашишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, биз республикамизда замонавий қоғоз саноятини йўлга қўйиш бўйича фаол иш олиб бораяпмиз. Бу борада яқинда Хитой давлатига бўлган савофаримиз чоғида "Син папер индустри" компанияси ва бошқа ташкилотлар билан келишувга эришилди.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Рама-тов), Ташқи савдо вазирлиги (Ш.Тўлаганов), Инвестиция давлат қўмитаси (А.Аҳмадходжаев) бу лойиҳани белгиланган мuddатларда бажариш чораларини кўриши керак.

Мана, азиз дўстлар, кўриб турганингиздек, адабиёт ва санъат, маданият соҳасини замон талаблари асосида тараққий топтириш мақсадида қанча қарорлар, қанча лойиҳалар ишлаб чиқилляпти. Бугунги учрашувда сизлар билдирдиган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар асосида, биз бу ҳужжатларни янада такомиллаштириб, шундан кейин албатта қабул қиламиз.

Маданий ҳаётимиз рағнақи йўлида гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишларни амалга ошириш, рўёбга чиқаришда сиз, муҳтарам ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этиб, ўз муносиб ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Азиз ватандошлар!

Миллионлаб одамларнинг эътиборида бўлган, маданият, адабиёт ва санъат деган муқаддас даргоҳга қадам қўйган ҳар бир ижодкор, ҳеч шубҳасиз, аввало ўз халқининг қалбига кулоқ солиб, унинг дарди-га дармон бўлишга интилади. Сизларнинг барчангизни мен ўз ижодий фаолияти билан мана шундай ҳаётий эътиқодга умрбод амал қилиб келаётган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мен шу ўринда аввал билдирган бир фикримни яна тақрор айтмоқчиман. **Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюқ тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бой-ликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюқ келажагимиз, буюқ адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.**

Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сихат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, оилавий фаровонлик, фарзандлар камолини кўриш бахти насиб этишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲҚАМ ПЙДЕВОРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, кейинги пайтда бу соҳа равнақини янги босқичга кўтариш бўйича улкан ишлар қилинмоқда.

Халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш ва ўрганиш мақсадида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислон маданияти маркази, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, худудларда улуг санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил қилинмоқда.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида ёш истеъдод эгаларининг иқтидорини юзага чиқариш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг учрашувдаги маърузасида маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири ҳолисона ва танқидий баҳолашиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрафлича фикр юритилди. Ижодий уюшмалар, Маданият вазирлиги ҳамда унинг таркибидаги бирлашма ва ташкилотлар фаолияти чуқур таҳлил этилди. Ижодкор зиёлиларнинг бугунги кунда жамият ҳаёти, ислохотлар жараёнидаги ўрни ва вазифаси ҳақида муҳим ва долзарб фикрлар баён қилинди.

Президентимиз халқимизнинг маънавий камолотида ижодкорларнинг хизмати беқиёс эканини алоҳида таъкидлаб, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида барча со-

ҳалар вакиллари қатори маданият ва санъат аҳлидан ҳам янада фалонлик, янги-янги ижодий гоё ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи талаб этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқотнинг аҳамияти, мантиқий натижаси ҳақида сўз юритиб, **“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюқ тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган буюқ арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюқ келажагимиз, буюқ адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”**, деган фикрни қатъият билан таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюш-

маси раиси С.Ҳақимов, академиклар О.Салимов, Р.Убайдуллаева, Бадий академия раиси А.Нуриддин, Ўзбекистон халқ шоираси Х.Худойбердиева, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби А.Слоним, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори С.Фафурова, Ўзбекистон халқ артисти О.Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Ҳ.Насимов, Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж.Пиязов ва бошқалар маданият, адабиёт ва санъат соҳасига кўрсатилган юксак эътибор, самимий мулоқот учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, белгилаб олинган мақсад ва вазифалар, яратилган шароит ва имкониятлар ижод аҳлини янги ва сермазмун асарлар яратишга руҳлантириши, барча ижодий ташкилотларни ўз фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, уни ҳар томонлама самарали ташкил этишга давлат этишини таъкидладилар.

ЎЗА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАҢҚАРОР ҲОСИНИ ТАЪМИНЛАШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳақими йилдан-йилга ортиб боришини таъминлаш, юқори кўшимча қийматли, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги замонавий корхоналарни ишга тушириш — мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, аввало, аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

Президент хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилгани иқтисодиётимизга инвестиция жалб этиш масаласи нечоғли муҳим стратегик вазифалардан бири эканини яққол намоян этди. Йилгилишда ушбу Агентлик фаолиятини оқилона ташкил қилиш, аввало, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга, барча жараёнларнинг очиқ бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

2017 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда 552 лойиҳа доирасида 7,2 миллиард АҚШ долларини ўзлаштириш ва 67 йирик лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Жумладан, 2017 йилнинг ўзида умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг 170 лойиҳа, жумладан, 16 йирик лойиҳа ижроси якунига етказилди.

Фаол инвестиция сиёса-

тини изчил давом эттириш натижасида ўтган 7 ойда 32 лойиҳа ижроси якунланди, йил охиригача яна 138 лойиҳани амалга ошириб, объектларни ишга тушириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат миқёсида ва жойларда айрим раҳбарлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш ва уларни кафолатланган молиявий манбалар билан таъминлашга юзаси, масъулиятсизлик билан ёндашганга эътибор қаратди.

Ўтган 7 ой мобайнида 27 лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш режадан ортда қолаётгани, 8 лойиҳа бўйича ҳужжатлар ҳалигача тасдиқланмагани каби танқидий мисоллар келтирилди.

Шу муносабат билан тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари зиммасига мавжуд муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш, сусткашлик ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келаётган тегишли ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилмагани, кўплаб раҳбарлар тегишли тармоқлар ва соҳалар келажаги тўғрисида муайян тасаввур-

га эга эмаслиги, яъни ўзи бошқараётган соҳанинг бир неча йилдан кейинги ривожланиш истиқболли ҳақида аниқ ҳисоб-китоб юритмаётгани сабаб бўлаётганини қайд этди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва худудий ҳокимликлар раҳбарларига инвестиция лойиҳалари ижроси устидан ҳафталик назоратни янада кучайтириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва камчиликка йўл қўйган масъул шахслар фаолиятини баҳолаш юзасидан кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ҳар ой якунида ҳисобот бериб бориш вазифаси топширилди.

Яна бир муаммо шундан иборатки, инвестиция лойиҳалари бўйича объектлар ишга тушгани ҳақида тегишли ҳужжат қабул қилингандан сўнг янги қувватлар қай даражада ишлаётганини таҳлил қилиш тизими мавжуд эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари Иқтисодиёт вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишга туширилган янги объектлар фаолиятини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш вазифасини юклди.

Йилгилишда Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлигига йирик хўжалик бирлашмалари ва худудий ҳокимликлар билан бирга 2018 йилги Инвестиция дастурини шаклланти-

ришда фақат лойиҳалаштириш ҳужжатлари тайёр бўлган ва қиймати камида 5 миллион долларга тенг лойиҳаларни киритиш, сармоядорларнинг дастурга лойиҳа киритишини рағбатлантириш учун улarga солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар бериш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бунда келаси йил учун Инвестиция дастурига фақат пухта ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестиция лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбариятига хорижий ҳамкорлар билан тенг шериклик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ишлаш учун аниқ йўналишларни белгилаш, шунингдек, импорт шартномаларини тизимли равишда ва ўз вақтида кўриб чиқиш, хулоса бериш юзасидан алоҳида тартиб-қоидалар ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун тузилган қатор ҳукуматларо комиссиялар фаолиятини яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йилгилишда давлатимиз

раҳбарининг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ҳамда 12 апрель куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига ташрифлари натижасига биноан расмийлаштирилган баённомалар ва қабул қилинган дастурларда белгиланган топшириқлар ижросининг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида мазкур баён ва дастурларни амалга оширишнинг жорий ҳолатини босқичма-босқич кўриб чиқиш, ижрочилар ҳисоботини тинглаш ва баҳолаш бўйича янги назорат тизими жорий этилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва унинг ўринбосарларига Андижон вилояти ва Чилонзор туманини, умуман, барча худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тизимли равишда ўрганиб, бирор-та ҳам муаммоли масала қолдирмаслик юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Йилгилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва тақлифлари тингланиб, муҳокама қилинди ҳамда инвестиция лойиҳалари ижросини жадаллаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, олий таълим муассасалари ректорлари, кенг жамоатчилик вакилларидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойларда ота-оналар ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб 9-синф битирувчилари умумтаълим мактабларининг 10-синфларида, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришига оид фикрлари ўрганилди.

Бу жараёнда умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланди.

Йигилишда ота-оналар ва болаларнинг шу борадаги хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овоза бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари

раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги раҳбарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шу йил 20 августга қадар ҳар бир ўқувчининг аниқ мактаб, лицей ёки касб-хунар коллежда ўқишни давом эттиришини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Селектор йигилишида ўқувчилар ва ота-оналарнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ўқувчиларга касб-хунар ўргатишнинг янги тизими — ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини жорий этиш масаласи муҳокама қилинди. Янги ўқув йили бошлангунга қадар бу мажмуаларни ўқув жиҳозлари, касб-хунар ўрганиш учун зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича масъули идора ва шахслар белгиланди.

Маҳалла фаоллари, нурунийлар, профилактика инспекторлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар ҳокимларига умумтаълим мактабларида таълим-тарбия сифатини ошириш, ҳар пайшанба — профилактика кунда ўқувчиларнинг давоматини ўрганиш ва таҳлил натижаларини танқидий муҳокама қилиб бориш вазифаси топширилди.

Янги ўқув йили бошлангунча касб-хунар коллежларининг ўқув устaxonалари негизда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил қилиб, уларга яқин атрофдаги мактабларни бириктириш, коллежлардан узоқда жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун мактабнинг ўз базасида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида чуқурлаштирилган махсус тайёргарликни талаб этмайдиган чилангар, тикувчи, ҳайдовчи, ошпаз, сартарош, кашгачи, кулол, қандолатчи, новвой, дурадгор, сувоқчи, бўёқчи каби жами эликдан зиёд касб-хунар ўргатилади. Бу мажмуаларда касб эгаллаган ўқувчиларга 11-синфини якунлагандан сўнг етуқлик аттестати билан билан фахр меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконини берадиган давлат намунасидаги ҳужжат ҳам тақдим этилади.

Йигилишда касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган, дарс сотатлари ҳажми камайган ҳар бир ўқитувчинини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни янги ўқув йили бошлангунга қадар ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масалаларига ало-

ҳида эътибор қаратилиб, мутасадди шахсларга тегишли топшириқлар берилди.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг 10-синф ўқувчиларини янгидан ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида замонавий дарсликлар билан таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди, тегишли ташкилотларга дарсликларни вақтида ва сифатли нашрдан чиқариш бўйича уюшқоқлик билан иш олиб бориш вазифаси юкланди.

Йигилишда иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида 10—11-синфларни ташкил этиш, нодавлат таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига жорий йилнинг 20 августига қадар таълим муассасаларини янги ўқув йили, кузги-қишки мавсумга сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектиларидан олиб борилаётган курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини якунлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

10-синф дарсликлари янги таълим мазмун ва кўринишга эга бўлади

Жорий йилнинг 2 август кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш чораларига бағишланган видеоселектор йигилиши ўтказилди. Йигилишда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан жойларда аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказилаётган учрашу ва мулоқотлар чоғида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига ота-оналардан бўлаётган муносабатларда умумтаълим мактабларида 10—11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўплаб тақлифлар билдирилган. Тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари билан тузилган ишчи гуруҳ жойларда ота-оналар ва ўқувчиларнинг бу борадаги фикрларини ҳам ўрганди. Унга кўра, умумтаълим мактабларининг 466 минг нафар 9-синф битирувчисидан 352 минг нафари 10-синфда, 114 минг нафари академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш ниятида экани аниқланган. Шу асосда юртимиздаги умумтаълим муассасаларида 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимини жорий этишга киришилди.

Янги ўқув йилидан ташкил этилаётган 10-синфлар учун ўқув дастурлари, дарсликлар яратиш аниқ пайтдаги долзарб вазифадир. Бу борадаги ишларнинг бориши хусусида Республика таълим маркази директорининг ўринбосари Муножат Абдаловага бир нечта савол билан муножаат этдик.

— Ҳаётини таърибада кузатишдики, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган 9-синф битирувчиларининг жонажон мактабидан ажралиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимга турли ҳудудлардан келган, характери бир-бирига мос бўлмаган ўқувчилардан иборат янги жамоа муҳитига мослашиши бироқ қийин кечди. Қолаверса, уларнинг давоматини назорат қилиш, тарбияси билан шуғулланиш, ота-оналар билан ишлаш қатор мураккабликларни келтириб чиқарди. Бу ҳолат айрим ўқувчиларнинг ўқиш, билим олишга иштиёқи сўнишига, тарбиясида салбий ҳолатлар кузатилишига сабаб бўлди, — дейди Муножат Абдалова. — Шуларни ҳисобга олган ҳолда,

ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари мутахассислари томонидан жойлардаги таълим муассасаларининг ўқувчилар қамрови бўйича имкониятлари, моддий-техник базаси, зарур мебель, инвентарлар билан жиҳозлангани, кадрлар билан таъминланиши, дарсликларга эҳтиёжи тегишли тартибда ўрганилмоқда. Бу ўринда биринчи галдаги вазифа замон талабларига мос ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, 2017-2018 ўқув йилидан 10-синф ўқувчиларини барча умумтаълим фанлари бўйича сифатли дарсликлар билан таъминлашдан иборат.

Янги ўқув йилига қадар жуда қисқа вақт қолмоқда. Ҳозир Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма қарори билан тасдиқланган ижодий гуруҳлар томонидан 10—11-синфлар учун ўқув дастурлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олимлар, методистлар ва амалиётчи-ўқитувчилардан иборат муаллифлар гуруҳлари ҳам шакллантирилди. Бугунги кунда 10-синф ўқувчилари учун жами 31 номдаги дарсликлар нашрга тайёрланмоқда. Адабиётлар фан йўналишларига қараб, тегишли олий таълим муассасалари, ҳудудий малака ошириш институтлари, тажрибали ўқитувчилар, педагог-олимлар, методистлардан иборат эксперт гуруҳлари томонидан мазмунан ва дизайн жиҳатдан экспертлардан ўтказилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар асосида мазмунан такомиллаштирилмоқда.

— Қисқа муддатда дарслик яратиш мураккаб вазифа. Айтиш-чи, ўқув китобларининг мазмунини, мавзуларини шакллантиришда нималарга асосланилмоқда?

— Дарслик давлат таълим стандартларига мувофиқ дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеналар талаблар асосида, таълим олувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларига мос равишда ишлаб чиқирилиши, ўқув фани мукамал ўзлаштирилишига қаратилиши, назарий маълумотлардан ташқари амалий-тажриба ва синов мазмунини қамраб олиши лозим. Ўқувчилар тасаввурини шакллантириш, мустақил ишлашга ўргатишда дарслик муҳим манба ҳисобланади. Бугунги давр ўқув материалларига тадрижий равишда янги билим ва маълумотларни киритиб боришни тақозо этади.

Шу нуқтани назардан келиб чиқиб, 10-синф дарсликларига 9-синф дарсликларининг узвий давоми сифатида, оддийдан мураккаблик томон такомиллашган ҳолда, ҳар бир боб ҳамда мавзуларни ёритишда узвийлик, узлуқсизлик таъминлиги асосланган ҳолда тайёрланмоқда. Мавзулар кўпроқ амалий билимларини беришига,

ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилди. Мавзулар қўшимча маълумотлар, машқлар, тест топшириқлари асосида кенг очиб берилди. Масалан, 10-синф "Физика" дарслиги компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда такомиллаштирилган ўқув дастури асосида яратилмоқда. Мавзулар кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлашга, ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган. Ўқувчиларнинг назарий билимларини мустақамлаш учун лаборатория ишлари тегишли мавзудан кейин берилган. Дарсликда мантқиқий фикрлашга ундайдиган саволлар, мустақил ишлаш учун масалалар ва амалий топшириқлар, ўқувчиларда билим, кўникма, малака ва компетенциялар шаклланишини назорат қилиш учун тест топшириқлари берилмоқда, қоида, формула, таърифлар лугат кўринишида ифодаланмоқда.

— Ҳаётини таърибада кузатишдики, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган 9-синф битирувчиларининг жонажон мактабидан ажралиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимга турли ҳудудлардан келган, характери бир-бирига мос бўлмаган ўқувчилардан иборат янги жамоа муҳитига мослашиши бироқ қийин кечди. Қолаверса, уларнинг давоматини назорат қилиш, тарбияси билан шуғулланиш, ота-оналар билан ишлаш қатор мураккабликларни келтириб чиқарди. Бу ҳолат айрим ўқувчиларнинг ўқиш, билим олишга иштиёқи сўнишига, тарбиясида салбий ҳолатлар кузатилишига сабаб бўлди, — дейди Муножат Абдалова. — Шуларни ҳисобга олган ҳолда,

ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари мутахассислари томонидан жойлардаги таълим муассасаларининг ўқувчилар қамрови бўйича имкониятлари, моддий-техник базаси, зарур мебель, инвентарлар билан жиҳозлангани, кадрлар билан таъминланиши, дарсликларга эҳтиёжи тегишли тартибда ўрганилмоқда. Бу ўринда биринчи галдаги вазифа замон талабларига мос ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, 2017-2018 ўқув йилидан 10-синф ўқувчиларини барча умумтаълим фанлари бўйича сифатли дарсликлар билан таъминлашдан иборат.

Янги ўқув йилига қадар жуда қисқа вақт қолмоқда. Ҳозир Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма қарори билан тасдиқланган ижодий гуруҳлар томонидан 10—11-синфлар учун ўқув дастурлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олимлар, методистлар ва амалиётчи-ўқитувчилардан иборат муаллифлар гуруҳлари ҳам шакллантирилди. Бугунги кунда 10-синф ўқувчилари учун жами 31 номдаги дарсликлар нашрга тайёрланмоқда. Адабиётлар фан йўналишларига қараб, тегишли олий таълим муассасалари, ҳудудий малака ошириш институтлари, тажрибали ўқитувчилар, педагог-олимлар, методистлардан иборат эксперт гуруҳлари томонидан мазмунан ва дизайн жиҳатдан экспертлардан ўтказилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар асосида мазмунан такомиллаштирилмоқда.

— Қисқа муддатда дарслик яратиш мураккаб вазифа. Айтиш-чи, ўқув китобларининг мазмунини, мавзуларини шакллантиришда нималарга асосланилмоқда?

— Дарслик давлат таълим стандартларига мувофиқ дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеналар талаблар асосида, таълим олувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларига мос равишда ишлаб чиқирилиши, ўқув фани мукамал ўзлаштирилишига қаратилиши, назарий маълумотлардан ташқари амалий-тажриба ва синов мазмунини қамраб олиши лозим. Ўқувчилар тасаввурини шакллантириш, мустақил ишлашга ўргатишда дарслик муҳим манба ҳисобланади. Бугунги давр ўқув материалларига тадрижий равишда янги билим ва маълумотларни киритиб боришни тақозо этади.

Шу нуқтани назардан келиб чиқиб, 10-синф дарсликларига 9-синф дарсликларининг узвий давоми сифатида, оддийдан мураккаблик томон такомиллашган ҳолда, ҳар бир боб ҳамда мавзуларни ёритишда узвийлик, узлуқсизлик таъминлиги асосланган ҳолда тайёрланмоқда. Мавзулар кўпроқ амалий билимларини беришига,

ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилди. Мавзулар қўшимча маълумотлар, машқлар, тест топшириқлари асосида кенг очиб берилди. Масалан, 10-синф "Физика" дарслиги компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда такомиллаштирилган ўқув дастури асосида яратилмоқда. Мавзулар кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни таъминлашга, ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш олиш лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган. Ўқувчиларнинг назарий билимларини мустақамлаш учун лаборатория ишлари тегишли мавзудан кейин берилган. Дарсликда мантқиқий фикрлашга ундайдиган саволлар, мустақил ишлаш учун масалалар ва амалий топшириқлар, ўқувчиларда билим, кўникма, малака ва компетенциялар шаклланишини назорат қилиш учун тест топшириқлари берилмоқда, қоида, формула, таърифлар лугат кўринишида ифодаланмоқда.

— Ҳаётини таърибада кузатишдики, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган 9-синф битирувчиларининг жонажон мактабидан ажралиб, ўрта махсус, касб-хунар таълимга турли ҳудудлардан келган, характери бир-бирига мос бўлмаган ўқувчилардан иборат янги жамоа муҳитига мослашиши бироқ қийин кечди. Қолаверса, уларнинг давоматини назорат қилиш, тарбияси билан шуғулланиш, ота-оналар билан ишлаш қатор мураккабликларни келтириб чиқарди. Бу ҳолат айрим ўқувчиларнинг ўқиш, билим олишга иштиёқи сўнишига, тарбиясида салбий ҳолатлар кузатилишига сабаб бўлди, — дейди Муножат Абдалова. — Шуларни ҳисобга олган ҳолда,

ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари мутахассислари томонидан жойлардаги таълим муассасаларининг ўқувчилар қамрови бўйича имкониятлари, моддий-техник базаси, зарур мебель, инвентарлар билан жиҳозлангани, кадрлар билан таъминланиши, дарсликларга эҳтиёжи тегишли тартибда ўрганилмоқда. Бу ўринда биринчи галдаги вазифа замон талабларига мос ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, 2017-2018 ўқув йилидан 10-синф ўқувчиларини барча умумтаълим фанлари бўйича сифатли дарсликлар билан таъминлашдан иборат.

Янги ўқув йилига қадар жуда қисқа вақт қолмоқда. Ҳозир Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қўшма қарори билан тасдиқланган ижодий гуруҳлар томонидан 10—11-синфлар учун ўқув дастурлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Олимлар, методистлар ва амалиётчи-ўқитувчилардан иборат муаллифлар гуруҳлари ҳам шакллантирилди. Бугунги кунда 10-синф ўқувчилари учун жами 31 номдаги дарсликлар нашрга тайёрланмоқда. Адабиётлар фан йўналишларига қараб, тегишли олий таълим муассасалари, ҳудудий малака ошириш институтлари, тажрибали ўқитувчилар, педагог-олимлар, методистлардан иборат эксперт гуруҳлари томонидан мазмунан ва дизайн жиҳатдан экспертлардан ўтказилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар асосида мазмунан такомиллаштирилмоқда.

— Қисқа муддатда дарслик яратиш мураккаб вазифа. Айтиш-чи, ўқув китобларининг мазмунини, мавзуларини шакллантиришда нималарга асосланилмоқда?

— Дарслик давлат таълим стандартларига мувофиқ дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеналар талаблар асосида, таълим олувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларига мос равишда ишлаб чиқирилиши, ўқув фани мукамал ўзлаштирилишига қаратилиши, назарий маълумотлардан ташқари амалий-тажриба ва синов мазмунини қамраб олиши лозим. Ўқувчилар тасаввурини шакллантириш, мустақил ишлашга ўргатишда дарслик муҳим манба ҳисобланади. Бугунги давр ўқув материалларига тадрижий равишда янги билим ва маълумотларни киритиб боришни тақозо этади.

дизайнидаги янгиликларга ҳам тўхталсангиз.

— Умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун нашр этилиши режалаштирилган ҳар бир дарслик техник тафсилоти, яъни бичими, ҳажми, ҳарфлар келги, қоғознинг оғирлиги, шаффофлиги, оқлиги, зичлиги, муқовалаш усули ва ҳоказолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги "Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида"ги 146-сонли қарорига асосан тайёрланди. Ҳар бир дарсликнинг оригинал макети устидан ўндан ортққ наширётлар мутахассислари ва муаллифлар ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Янгилик сифатида айтиш мумкинки, аввалги дарсликлар икки хил рангда чоп этилган бўлса, 10-синф дарсликларини тўрт хил рангда нашр этиш режалаштирилган.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган янги давлат таълим стандартлари талабига кўра, ўқувчилар 9-синфни тамомлагандан А2 (А2+) даражасида билимга эга бўлиши лозим. 11 йиллик тизимда бу қандай акс этади?

— Янги ДТСга кўра ўрта махсус, касб-хунар таълими фанларини ўрганишининг умумий даражаси В1 этиб белгиланган. Янги дарсликларни яратишда ана шу даражага асосланилапти.

— Янги дарсликлар ўқувчиларга қай тартибда бериллади?

— Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларга буюртмалар шакллантирилмоқда. Ота-оналарга, ўқувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида дарсликлар ўқувчиларга ўрнатилган тартибда ижара тизими асосида етказиб берилди.

"Ma'rifat" муҳбири Илҳом ЖҲҲАЕВ суҳбатлашди.

ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАГАЙ, ОНА ЮРТ, ОТА МАКОН!

Янги давр шиддатидан вақтнинг ҳам ўзига қарашга вақти йўқ. Вақт гўё азалий ва абадий маромидан кечиб, ўз жиловини замон шиддатлари ихтиёрига топширгандай — кўзларидан ўт, туюқларидан чақмоқлар чақнаётган тулпоргами ёнги жийрон қашқа дулдуга ҳам ўхшаб кетади. Ўзига ҳам аёвсиз бу учқур, кўкбўз отнинг чавандозию чопағони ҳам вақтнинг ўзи.

Боболар “Вақт табиб, даволайди...” дер эдилар. Бугунги замонамизнинг шитобу шаштларига қиёсан олганда, “табиб”имизнинг ўзи ўзини тахир қиладиганга ўхшайди. Бу дегани вақт энди даволамайди: ёвқур чавандоз, фулжон борда ҳаракатини қилмасанг, тезроқ эҳтиёт чоранги кўрмасанг, қараб ўтирмайди. Мангуликка йўл олган бўронсифат шу тулпорнинг кескир туюқлари остида чилпарчиннинг чиқиб, беному нишон қолиб кетмаслигининг учун ўз ниҳолинг, кўчатинг ва дарахтингни эзгулик боғига қадашга улгурмоғинг — ўзингга, фақат ўзингга боғлиқ.

“Ваҳки, умрум борча зоеъ бўлди эл коми била” дея афсус чеккан эканлар Алишербек бобомиз.

Буюк элпарварлигию оламшумул шоирлиги билан абадиятга қадар ном қолдирган Навоий ҳазратларики умримни елга соғуриб, зоеъ кеткиздим деб турган эканлар, улуг аждодимизнинг шу бир сатригина шеъри олдига бизлар киммиз, биз нима дея оламиз?!

“Элга эга керак, эга бўлмаса нега керак” дейилади қўхна халқ мақолида...

Биринчи Президент. Буюк бунёдкор. Истиқлолимизнинг бош меъмор...

Ватанамиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз, буюк қадлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Каримовни хотирлаш талбирлари бўлиб ўтди.

“Буни қаранг-а, вақтнинг ўтишини, аёвсизлигини қаранг-а!.. Аллақачон бир йил бўлибди ўтканларига?! Улуғ инсон эдилар, Худо раҳмат қилсин, жойлари жаннатларнинг тўрларидан бўлсин...”

Маҳалла отахонларининг бу гап-сўзлари тезоб-сершитиб вақтнинг ўткинчи гангур-гунгурларидай туюлса-да, аслида элу юртга, унинг Буюк фарзандига тааллуқлилиги, оддий халқнинг меҳр ва эҳтироми ифодаси эканлиги билан ҳам беҳад қадрлидир.

Йигирма беш йил — чорак асрлик муддат давомида бир халқ, бир миллатнинг шараф тонглари отган бўлса, йўлбошчининг сочлари буткул оқариб кетгани ҳам шундоқ кўз ўнгимизда рўй берган буюк тарихий ҳодиса, вақту замоннинг мангу мунаввар тимсолидир.

“Э, билмайсиз-да, шаир ука, халқнинг касаси оқармоғи учун, элнинг тонги отмағи учун Ислоҳ Каримовнинг умри сарп бўлди, боши оқарди ахир... Э, ул кишига осон бўмаган. Шагирида ҳам осон бўмайди! Худойим куч-қувватдан берсин, умрини берсин! Тирмизий боваларни йўқлаб кепти, Бухорий боваларини зират қилти, илайим,

шу юртнинг азиз-авлиёлари даим ҳамрайи бўсин! Омин!...”

Бу халқона, самимий сўзлар — оддий мўйсафид буваннинг дилдан чиққан дуоси, дил тубилаги тилаклари...

“Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!”. Нима учун айнан шу сўзлар мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрамини нишонлаш тўғрисидаги Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарориди бош гоёя, шиор сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилгани замирида ҳам юксак инсонийлик ва ҳурмат-эҳтиромга йўғрилган теран мазмун ва ҳикмат яширинган. Яъниким, халқ учун, Ватан учун ҳамма нарсанинг баҳридан кечиб, ўзини, умрини бахш этган, фидо бўлган инсонлар бор, умримиз ўткинчи, шундай зотлардан ибрат олайлик, муҳаббат билан, садоқат билан шу азиз Ватанга, элга, халққа хизмат қилайлик деганидир бу...

Парвардигори олам маълум саналар ва рақамлар замирида буюк инсонлар, тарихий шахслар тимсолида бутун бошли миллатлар ва давлатларнинг тақдирини яшириб қўйқан. Кези келганда бу илоҳий саналар қаршисида вақт ҳам ожиз ва нотавон қолганлигига яқин ва олис тарихимиздан, миллатимизнинг улуг сиймолари ҳаётидан кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бизнинг бугунги сершиддат замонамизда вақту соат тушунчаси бутунлай ўзгарди. Тонг ва шом, тун ва кун, кеча ва кундуз сингари бобомерос сўзлар мумтоз ғазаллар аро қолиб кетгандай, воқеа-ҳодисалар, рўй бераётган янгиланишлари ўзгаришлар — барча-барчаси тонг ва кундан, аниқроғи, вақтдан ҳам илдамроқ содир бўлаётгани — янги даврнинг шитобларию шиддатлари эмасми? Бундайин бетиним ва беҳаловат замонани, айна пайтда пойқалами изларидан бутун бошли шаҳарлару мавзелар, ҳайратомуз иншоотлар, йўллар-кўприклар бино бўлаётган, кўркем-нурафшон манзилу маконлари одамларнинг ёруғ чехрасидай нур таратаётган ҳеч бир вақтни кўрганмисиз?.. Эрталабки янгилик, бунёдкорлик хабари пешинга борар-бормай бошқа хушхабар ва ё мужда билан алмашинапти.

Донишманд халқимизнинг **“Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги”** деган пурҳикмат мақоли олдига ҳурмат ва эҳтиромимизни бажо келтириб, изн ва узр сўраган ҳолда айтиш мумкинки, янги давр, янги замон шиддати вақтнинг ҳам тизгинсиз суръатини лол қолдириб, қадим ва емирилмас ҳикматларга ҳам ўзгариш киритиши муқаррар экан. Шу кеча-кундузда диёримизнинг қайси гўшасига борманг, эл яшайдиган уйлар ҳам, рўзгорю турмуш шароитларидан тортиб уй

жиҳозларигача ҳар кун, ҳар соатда янгиланаётгани, руҳиятию кайфияти, онги ва тафаккуригача шу янгиланишлардан баҳраманд ва мамнунлигини ватандошларимизнинг юз-кўзлари, қиёфасию ёруғ чехраларидан кўриб, ишонч ҳосил қилиш мумкин...

...Шу эл, шу халқ бўлмаса биз киммиз?! Шу халқ, шу Ватан учун яшаймиз-да, бўлмаса яшашнинг нима кераги бор?...

...Дунёни биз ҳар кун, ҳар соатда юрагимиздан ўтказиб яшашимиз керак!...

...Жаҳолатга қарши маърифат. Ёшларга билим, билим бериш, ўқитиш, билим, билим, фақат билим билан жаҳолатнинг йўлини тўсиш мумкин!

...Бир варақ ёзиш учун аждодларимиз қанча-қанча мерос ўрганган... Тарбия, тарбия, яна бир марта тарбия!...

...Сохта алдовларга учиб умрини хазон қилётган фарзандларимизни кўриб, рости гап, кечалари уйкум келмайди. Азоб, бу азоб менга! Бу ачиқ ҳақиқат ханжар бўлиб юрагинизга санчилиши керакмасми?! Керак!...

...Уйимизни асрашимиз керакдир, лекин болани асраш, боламизни асраш — биринчи галда!... Боламиз — кўлимизда омонат, ўқитмасак, тарбия қилмасак, маърифат ва таълим бермасак — у бола кетиб қолади.

...Китобсиз келажак йўқ. Китобга қайтган эл, халқ, одамзот ҳеч қачон кам бўлмайди!...

...Барчамизни тарбиялаган, воёга етказган шу халқ... Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ...

...Ватанин севиш керак! Бошқа гап йўқ!...

Давлатимиз раҳбарининг юртдошларимиз билан бўлган турли учрашувлар ва мулоқотларда айтган сўзларидан келтирилган иқтибосларни ёзув дафтарларимдан кўчириб мисол қилиб олдим.

Бу иқтибосларда бутун бир мамлакат, халқ ва миллат тақдирини ва юкани ўз зиммасига олган бедор ва беором, доимо тўроқ ва беҳаловат Раҳнамонинг юраги ўттиз икки миллионлик юртдошларимизнинг қалблари билан дилдош ва қондош бўлиб ураётганига имон келтирасиз.

Устоз Ҳамид Олимжоннинг **“Кўзларимни юммасман асло — Дарё каби уйғоқ ўторман”** деган сатрларининг мазмуни ҳам шу эмасми...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган кенг қамровли учрашуви ҳам мамлакатимиз маданият-маърифий ҳаётида том маънода туб бурилиш ясаган катта ижтимоий-маънавий воқеа сифатида янги тарихимизда бир мунаввар саҳифа бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари маънавий бурчини, ўз бурчи ва садоқатини англаб, ўзини аямая меҳнат қилаётган замондош ижодкорларимиздан мен мамнунман, дея таъкидларкан, ўсиб келаётган авлодининг маънавий тарбияси жамяятнинг ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат маса-

ласи эканига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган давру замонамиз ҳам, бунга аямая суръатини кимнинг қўлини ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз, янги тонг отишини кутмасдан, ишни бугунданок, ҳозирнинг ўзидаёқ бошламоғимиз, бўлмаса эртанги тонгимиз бир пасда кечаги кунга айланаб қолишини, бахту имкониятларимиз бекор кетган вақтнинг чангу тўзонларида соғурилиб кетмоғини ҳам, бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигимиз шарт ва зарур...

Истиқлолнинг тугроси, халқу Ватан Ҳумоси Бекорга Ҳақдан Буюк Меъморга келган эмас. Фармонларда ул зотдан “Зиммасига юклансин...” Деган сўзлар ҳам асли бекорга келган эмас. Дўстим, у йилларни сен кўргил аста уриммай, Қанча ранжу меҳнатнинг дош бердик ҳаммасига. Халқ юкин, миллат юкин эл кўзига кўринмай, Шунча вақт олиб келган зотлар бор зиммасига. Буюклик — буюк бу юк Бунёдкорга қийиндир, Осонми бу дунёда юрт қурмоқ, Ватан қурмоқ, Жонфидо фарзандларининг вазифаси тайиндир: Миллат юкин, юрт юкин миннат қилмай кўтармоқ. Боболаринг хокига эглиб бор, юкиниб, Қалбинг соф бўлмаса гар йимонинг ҳам йимонмас. Давру замон юкини, ору виждон юкини Елгага ҳам юракка олиб юрмоқ осонмас. Кечани кеча демая, кундузни кундуз демая, Юлдузларга ҳам тонгда дам берган, ором берган, Халқ бормикан дунёда ҳалол, заҳматқаш сендай: Тоғ келса гар — емирган, сув келса гар симирган. Қамчиқдан токи Зомин, Бойсун тоғларигача, Сарийдан тортиб то Сарносиё қадар — Туташгандай кўрингай жаннат боғларигача, Бир Ватанким, нур сочгай Овро, Осие қадар. Юкинг ерда қолмағай, Она юрт, ота макон, Дилбандлар ҳам улғайиб соҳиби даврон бўлгай. Эл бошига кўтаргай улугларин ҳар қачон, Давлатинг пойдор, шаъну шавкатинг жаҳон бўлгай.

Сирождидин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ЎЗА

2017-yil 5-avgust, № 62 (9023)

Эркакларнинг шоҳ асари

Рақсни суйгувчи халқнинг қалби бирдек уйғоқ, тийнати улугвор бўлади. Нафақат халқимиз орасида, балки жаҳон сахналарида томошабинларга завқ-шавқ улашиб, уларни ўрнидан кўзга-тиб юборишга эга куч — оҳанг билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. "Дилхорж" ё "Лазги" янграганида етмиш икки томирида қон гупуриб, тўлқинланиш — бобомерос. Ана шундай маънавий хазиналаримиздан бири — "Лаган" рақсидир. Ушбу рақс эркаклар томонидан ижро этилиб, одатда, тугма таллантларгина "Лаган"ни ўз маромига етказган.

"Лаган" Фаргона услубида яратилган бўлиб, у халқимизнинг доира, ногора, сурнай, карнай каби чолғулари жўрлигида ижро этилади. Уларга кўп ҳолда раққос кўлларидаги қайроқ тошлар ҳам жўр бўлади. Рақс маҳали раққос қора рангли тўртбурчак, оқ қалампир гулли дўппида бўлади. Дўппи бироз совуқ сув билан намланади, чунки намланган дўппи бошга ёпишиб туради. Бу эса ижро пайти лаганнинг сирпаниб кетмаслигига хизмат қилади. Дўппининг устидан пешонабанд боғланади. Раққос беқасам тўн, ичидан оқ ятак кияди. Белбоғ рўмол бўлиб, учбурчак ҳолда белга боғланади. Қора шим ва лакланган қора этик кийилади. Шунингдек, раққос кўлида иккита қайроқ тош — биттаси темирдан (16 см), иккинчиси эса тошдан (10 см) бўлади. Тошдан ясалган қайроқ бош бармоқ ёрдамида кафтга босилади. Темирдан ясалгани ҳам худди шундай қўйилиб, ўрта ва тўртинчи бармоқ кўмагида бир-бирига урилиб чалинади. Қайроқларни энгил урган ҳолда, раққос ўзига хос овозга эга усуллар яратди. Қайд этиш жоиз, қайроқ-тошлар ҳар иккала кўлда бўлади.

"Лаган" рақсиди асосийси бу — оғирлиги уч килограмм, дуралюминдан ясалган лагандир. Кўринишидан энгил туюлган бу идиш уч дақиқалик рақс мобайнида раққосни жуда толиқтиради.

"Лаган" рақсининг пайдо бўлиши узоқ тарихга бориб тақалади, — дейди таниқли раққос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов. — Унинг қачондан буён халқ орасида ижро этилиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бироқ эшитганмиз-

ки, қадимдан ота-боболаримиз чойхоналарда ош дамлаб, еб бўлгандан сўнг таомнинг бор мазаси ва саваби лаганнинг тагида қолади, деб бўш лаганга оз-моз сув ёки чой солиб, уни кўлларида айлантиришган ҳамда сувни ичишган. Бу ҳол секин-аста кенгайиб, шу тарих рақс тусини олган. У икки хил йўсинда — оши еб бўлинган бўш лаганда ҳамда эндигина ош сузилган лаган воситасида ижро этилган. Мазкур рақс ўзбек йигитларининг нақадар эпчил экани билан бирга, халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатини яққол акс эттиради.

Чин раққос бу санъат асарини асли сопол лаганда ижро эта олиши зарур. Сополда ўйналган рақсда — қачонки ўша товоқ кўлдан тушмай, ижро якунигача синмай етиб борса — раққоснинг кўли балан келгани шу.

Нарзиддин Шерматовнинг айтишича, "Лаган" рақсини тўлиқ кўринишда 1973 йили устози Исохор Оқилов саҳналаштирган. Аммо кўп ҳолда бу рақс ҳаракатларини унинг ўзи бошқа раққослардан кўриб ўрганган. Жиддий элементларни устоз батафсил тушунтириб борган.

— "Лаган" рақси ўзбек эркакла-

рининг шоҳ асари ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқилова. — Ўзини ўзбек раққосиман деб билган кимки бор, ушбу рақс-ни ижро эта билиши керак.

Мен уни турли раққослар ижросида кузатганман. Булар — отам Исохор Оқилов, Қодир Мўминов ва Нарзиддин Шерматов. Энг қизиғи, бу рақс-ни ҳар бири ўзгача ижро этган. Шунда тушундимки, ҳар бир раққос ижрога ўз кечмиши, дарди ва қувончини сингдириб юборган. Шу сабабдан ҳам битта рақс ва бир хил ҳаракат бўлишига қарамай, улар турлича талқин топган. Ростки, мени кўпроқ мафтун қилгани — Нарзиддин Шерматов ижросидаги "Лаган" рақсидир. У рақс-ни бор вужуди билан ижро этар, саҳнада бу оламни буткул унутиб, ибодатга шўнғилган мўминдек бутун диққатини рақсга қаратарди. Ижро тугаганда эса гўё у бор гуноҳларидан шу рақс орқали поклангандек кўринарди. Ижродан сўнг бутун танаси ва кўйлаклари жиққа сув бўларди унинг. Бу эса унинг "Лаган" рақсига қанчалар меҳр қўйгани, айни дамда жуда катта куч ва машаққат талаб қилишини билдиради.

Бугун Нарзиддин Шерматовнинг шогирдлари ушбу рақс-ни юксак маҳорат билан ижро этаётгани мисолида ҳам устоз-шогирд ўртасида қарор топган гўзал аъяна, меҳнатни кўришимиз мумкин. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қаҳҳоров устозидан ўрганган "Лаган" рақсини ижро



Hazina

этиш билан бир қаторда, бойитиб бормоқда ва унинг сир-асрорларини шогирдларига ҳам ўргатмоқда.

Асрлар ошаётган бу рақс ҳақиқатан инсонлар қалбини ҳайратга солиб, ўзига ром этиб келади. Бир вақтлар "Лаган"ни Нарзиддин Шерматов чет элда ижро этганда хорижлик томошабинлар раққос-ни "магнит" деб аташган. Тасав-вур қилинг, раққос саҳна ўртаси-да бошида катта лаган билан кўллари-ни бургут қанотидек икки ёнга чўзган ҳолда турибди. Бир жойда турганча аввал чап томон-га гир айлана бошлайди — худди-ки кулол дастгоҳидек. Бошида тур-ган лаган эса раққос билан бирга айланиб, секин-аста аввал бўйин-га, сўнг елкага, ана ундан кейин белга келгандан сўнг раққос бир тўхтаб, бошқа мураккаб ҳаракат-ларни бажаради ва яна турган жойида энди ўнг томонга айлана-ди. Бунда раққоснинг белида тур-ган лаган юқориға — бошга томон ҳаракатланади. Хуллас, лаган ол-дин раққос бошида қандай турган бўлса, худди шундай кўринишга қайтади. Бундай мураккаб эле-ментларни бажариб ҳам, лаганнинг раққос танасида тушмасдан ёпи-шиб турганини кўрган ҳар қандай инсон, албатта, "магнити бўлса ке-рак" деб ўйлаши аниқ. Бу ҳол ёш ижрочилардан бири, Эркин Қаҳҳоровнинг шогирди — Тигран Аб-дуллаевда ҳам кузатилган.

Тигран 2014 йили Қозоғистон-да ўтказилган "Арлио" халқроқ кўрик-танловида "Лаган"ни ижро этганда, рақсдан сўнг бир гуруҳ қизиқувчан томошабинлар унинг ёнига келиб, бел ва елкаларини пайпаслаб: "Мабодо магнит йўқми?!" деб сўрашган. Шубҳасиз, ёш раққоснинг маҳорати тўфайли мухлислар шу ҳаёлга борган. Бир вақтлар устоз раққослар ижро эт-ган "Лаган" рақси бугун ҳам ишончли кўлларида эканини барал-ла айта оламиз. Рақс усталари ушбу шоҳ асарни келажак авлодга ўз ҳолича, тўла-тўқис етказа оли-шига ишончимиз комил.

Нурбек ҒАҒУРОВ,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси

Такриз — ўқиш, уқиш маҳсули

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида телевидение, радио, интернет каби электрон ахборот воситалари орасида китобнинг мавқеи ортиб, кундалик ҳаётимизда ўз аҳамиятини асло йўқотмаслигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мутолаага қизиқишни оширишда янги чиққан асарлар ҳақида газета ва журналларда мунтазам равишда тақризлар эълон қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Соҳа олимлари, адабий танқидчилар, чинакам китобсеварлар ёзган тақризлар бугунги кунда чоп этилаётган кўплаб китоблар орасидан энг муҳим ва зарурларини танлаб олиш имконини беради.

Иккинчидан, пишиқ-пухта ёзилган тақриз ҳар бир

асарнинг мазмун-моҳияти, унинг ютуқ ва камчиликларини тушуниб етишда ўзига хос йўлланма, қўшимча ва ёрдамчи мате-риал бўлиб хизмат қилади. Бу айниқса ҳали профес-сионал китобхон даража-сига етмаган, бошловчи ва ёш ўқувчилар учун жуда муҳимдир. Улар ана шу тақризларни ўқиб, замона-вий китобхон қанчалик синчков, эътиборли бўли-ши зарурлиги, бунга эри-шиш йўллари билиб ола-

ди. Энг муҳими, талабчан тақризчилар томонидан хо-лис баҳо берилишини ол-диндан билган ҳар бир му-аллиф ўз асарини катта масъулият билан нашрга тайёрлайди.

Китоб дўконларида эъти-бор бераман, ўзига маъқул



Mulohaza

асарни танлаш жараёнида ҳар бир ўқувчи аввало унинг дастлабки саҳифаси-даги мухтасар изоҳ — ан-нотацияни ҳижжалаб ўқийди. Бу қисқача кириш сўзлари ҳамма вақт ҳам қизиқарли, асарнинг асо-сий мазмунини яққол акс эттирадиган даражада ёзилмайди. Кўпинча муал-лифга таъриф берилган,

асар мақталган бўлади, хо-лос. Аслида китобнинг мазмуни, ғоявий-бадий савияси, руҳи, унинг айнан қайси тоифа ўқувчилар учун мўлжаллангани анно-тациядан билиниб туриши керак.

Албатта, малакали тақ-риз тэйёрлаш — мураккаб иш. Бунинг учун тақризчи ҳар бир янги асарни тез-лик билан ўқиб чиқиб, унинг ижобий жиҳатлари, камчиликларини илмий-на-зарий жиҳатдан умумлаш-тириб, худди шифокор бе-морга тўғри ташхис қўйга-нидек, ўринли ва асосли хулосалар чиқариши ке-рак. Тақриз китобнинг ўзи-дек, ҳатто ундан ҳам кўра катта қизиқиш билан ўқилиши лозим. Тарихда аввал китобга муносабат

тариқасида ёзилган мақо-ла — тақризни ўқиб, кейин уни қандай қилиб бўлса ҳам топиб ўқиган инсон-лар, машхур шахслар кўп бўлган.

Баъзи тақризларни ўқиганда, муаллифларнинг китобни юзаки, шошиб-пи-шиб ўқигани ёки мутлақо ўқимагани билиниб туради. Шунинг учун бўлса керак, ушбу адабий-танқидий жанрнинг ўрни ва нуфузи биз кутган, оруз қилган да-ражада эмас. Бунга балки таълим жараёнида иншо, баён каби ёзма ишларга эътибор камайиб кетгани ҳам таъсир кўрсатаётган-дир. Мухтасар айтганда, халқимизнинг китобхонлик савиясини оширишда тақ-риз имкониятларидан сам-марали фойдаланишимиз зарур.

Ҳилола ҚАРШИБОВА,
ЎЗМУ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ЎЗБЕК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
1-синф				
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	2017	Бепул
2	Ёзув дафтари	М.Ғулмонов	2017	Бепул
3	Она тили	Т.Ғафорова ва б.	2017	Бепул
4	Ўқиш китоби	Т.Ғафорова ва б.	2017	Бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2017	Бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2017	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	М.Аҳмедов ва б.	2017	Бепул
8	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2017	Бепул
9	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2017	Бепул
10	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2017	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2017	Бепул
12	Технология	И.Маннопова ва б.	2017	Бепул
13	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирисқулов ва б.	2017	Бепул
14	Немис тили "Deutsch mit Spaß"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
2-синф				
1	Она тили	К.Қосимова ва б.	2016	Ижара
2	Ўқиш китоби	Т.Ғафорова ва б.	2016	Ижара
3	Русский язык	З.Абдураимова	2016	Ижара
4	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2016	Ижара
5	Атрофимиздаги олам	П.Ғулмонов ва б.	2016	Ижара
6	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2016	Ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2016	Ижара
8	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара
10	Инглиз тили "Kids' English-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
11	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
12	Немис тили "Deutsch mit Spaß-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
13	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-2"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
15	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-2"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
16	Меҳнат таълими	Х.Санақулов ва б.	2016	Ижара
3-синф				
1	Она тили	С.Ғузаилов ва б.	2016	Ижара
2	Ўқиш китоби	М.Умарова ва б.	2016	Ижара
3	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2016	Ижара
4	Математика	С.Бурҳонов ва б.	2016	Ижара
5	Табиатшунослик	А.Баҳромов ва б.	2016	Ижара
6	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2016	Ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2016	Ижара
8	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара
10	Инглиз тили "Kids' English-3"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
11	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-3"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
12	Немис тили "Deutsch mit Spaß-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-3"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
15	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-3"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
16	Меҳнат таълими	Х.Санақулов ва б.	2016	Ижара
4-синф				
1	Она тили	Р.Икромов ва б.	2017	Ижара
2	Ўқиш китоби	С.Матқонов ва б.	2017	Ижара
3	Русский язык	М.Каримова ва б.	2016	Ижара
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2017	Ижара
5	Табиатшунослик	А.Баҳромов ва б.	2017	Ижара
6	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2017	Ижара
7	Музыка	О.Иброҳимов ва б.	2017	Ижара
8	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2017	Ижара
9	Технология	И.Маннопова ва б.	2017	Ижара
10	Тасвирий санъат	А.Султаймонов ва б.	2017	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-4"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit Spaß-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-4"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
5-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2015	Ижара
2	Адабиёт (1-2-қисм)	С.Аҳмедов ва б.	2015	Ижара
3	Русский язык	Ю.Мусурмонова	2016	Ижара
4	Инглиз тили "Fly High"	Л.Жураев ва б.	2017	Бепул
5	Немис тили "Deutsch"	З.Қиёмова ва б.	2017	Бепул
6	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2017	Бепул
7	Тарихдан ҳикоялар	У.Жураев ва б.	2015	Ижара
8	Математика	Б.Хайдаров	2015	Ижара
9	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2015	Ижара
10	География (Табиий география бошланғич курси)	П.Ғулмонов ва б.	2015	Ижара
11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2016	Ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
13	Музыка	А.Мансуров ва б.	2015	Ижара
15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2015	Ижара
16	Тасвирий санъат	Т.Қўсанов ва б.	2015	Ижара
17	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноқўжаев ва б.	2015	Ижара
18	Математика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	М.Мирзааҳмедов ва б.	2016	Ижара
6-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2017	Ижара
2	Адабиёт (1-2-қисм)	С.Аҳмедов ва б.	2017	Ижара
3	Русский язык	Г.Ғасилова ва б.	2017	Ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жураев ва б.	2013	Бепул
5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
6	Француз тили «Voyage en France»	З.Абдушуқурова ва б.	2013	Бепул
7	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2017	Ижара
8	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2017	Ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2017	Ижара
10	Биология (Ботаника)	Ў.Пратов ва б.	2017	Ижара
11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2017	Ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2017	Ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
14	Музыка	С.Бегматов ва б.	2017	Ижара
15	Технология	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
16	Тасвирий санъат	Қ.Мираҳмедов ва б.	2017	Ижара
17	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноқўжаев ва б.	2015	Ижара
18	Математика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Г.Насриддинов ва б.	2016	Ижара
19	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2014	Ижара
7-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2017	Ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2017	Ижара
3	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2017	Ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
6	Француз тили «Bon voyage»	В.Буҳин ва б.	2013	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов ва б.	2017	Ижара
8	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2017	Ижара
9	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2017	Ижара
10	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2017	Ижара
11	Физика	П.Хабидуллаев ва б.	2017	Ижара
12	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2017	Ижара
13	Биология (Зоология)	О.Мавлонов	2017	Ижара
14	География	П.Ғулмонов ва б.	2017	Ижара
15	Технология	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
16	Музыка	О.Иброҳимов ва б.	2017	Ижара
17	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноқўжаев ва б.	2017	Ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2017	Ижара
20	Алгебра (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	М.Мирзааҳмедов ва б.	2014	Ижара
21	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2016	Ижара
8-синф				
1	Она тили	М.Қодиров ва б.	2014	Ижара
2	Адабиёт (1-2-қисм)	С.Олимов ва б.	2014	Ижара
3	Русский язык	М.Роҳимова ва б.	2014	Ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	2014	Бепул
5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2014	Бепул
6	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушуқурова ва б.	2014	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
8	Жаҳон тарихи	У.Жураев ва б.	2014	Ижара
9	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2014	Ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сарқов ва б.	2014	Ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
12	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
13	Физика	П.Хабидуллаев ва б.	2014	Ижара
14	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
15	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
16	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
17	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2015	Ижара
18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
20	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноқўжаев ва б.	2017	Ижара
21	Алгебра (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	М.Мирзааҳмедов ва б.	2014	Ижара
22	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2016	Ижара
9-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2014	Ижара
2	Адабиёт (1-2-қисм)	Қ.Йўлдошев ва б.	2014	Ижара
3	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жураев ва б.	2014	Бепул
5	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
6	Француз тили «D'un Etat à l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2014	Ижара
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
9	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Танқиббаева ва б.	2014	Ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сарқов ва б.	2014	Ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
12	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	2014	Ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
14	Физика	П.Хабидуллаев ва б.	2014	Ижара
15	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
16	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зиқриев ва б.	2014	Ижара
17	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2014	Ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
20	Алгебра (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Г.Насриддинов ва б.	2016	Ижара
21	Физика (Айрим фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари учун)	Н.Турдиев	2016	Ижара
10-синф				
1	Она тили	Н.Маҳмудов ва б.	2017	Ижара
2	Адабиёт	Б.Тухлиев ва б.	2017	Ижара
3	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2017	Ижара
4	Инглиз тили	Ф.Рашидова ва б.	2017	Ижара
5	Немис тили	С.Абдуллаева ва б.	2017	Ижара
6	Француз тили	З.Давронова ва б.	2017	Ижара
7	Ўзбекистон тарихи	Қ.Ражабов ва б.	2017	Ижара
8	Жаҳон тарихи	Ш.Эргашев ва б.	2017	Ижара
9	Дунё динлари тарихи	З.Исломов ва б.	2017	Ижара
10	Давлат ва ҳуқуқ асослари	Н.Исмаилов ва б.	2017	Ижара
11	Маънавият асослари	В.Қўчқоров ва б.	2017	Ижара
12	Математика (алгебра анализ асослари, геометрия)	Ш.Исмаилов ва б.	2017	Ижара
13	Информатика ва ахборот технологиялари	Н.Тойлоков ва б.	2017	Ижара
14	Физика	Н.Турдиев ва б.	2017	Ижара
15	Органик кимё	С.Маширипов ва б.	2017	Ижара
16	Биология	А.Ғофуров ва б.	2017	Ижара
17	География	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
18	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик	Ш.Убайдуллаев ва б.	2017	Ижара

2017-yil 5-avgust, № 62 (9023)

ЎЗДА МУЗҚАЙМОҚ ЕЙИШ ХАВФЛИ(МИ?)

Германиялик олимлар ёз ойларида музқаймоқ ейиш хавfli, дея таъкидламоқда. Бу ҳақда мамлакатнинг атроф-муҳит, иқлим ўзгариши, қишлоқ хўжалиги ва Гессен ер эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазирлиги санитария-эпидемиология лабораторияси сайтыда хабар берилди.



— Агар музқаймоқ музлаткичда кўпроқ туриб қолса ёки яхши музламаса унда микроблар ўз-ўзидан кўпая бошлайди, — дейди лаборатория раҳбари доктор Хубертус Бранн. — Бундан ташқари, музқаймоқдаги говаклар микробларнинг яширинишига муҳит яратиб беради.

Экспертлар шаҳар марказида сотиладиган музқаймоқлардан 259 та намуна олишди. Улардан 40 таси (15,4 фоизи) гигиена талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Шундан сўнг мутахассислар музқаймоқнинг ўзига эмас, балки уни сотиш ҳамда сақлаш талабларига нисбатан норозилик билдирган.



Маълумотларга кўра, ушбу топилмалар Беларусь давлат университетининг тарих факультети талабалари томонидан викинглар даврига оид археологик ёдгорликларга уюштирилган экспедиция вақтида топилган.

Факультетнинг археологик ишлар бўйича амалиёт раҳбари Виталий Сидоровичнинг таъкидлашича, мамлакатда ҳали бундай тўлиқ сақланиб қолган ашёлар топилмаган эди. Шунингдек, у мазкур буюмлардан нима мақсадда фойдаланилганини ҳам айтиб ўтган.

Шунга ўхшаш қадимги қилич 2016 йил март ойида Украина ҳудудидан топилган. Ушбу тарихий ашё қадимги ёдгорликлар сақланадиган Эстония археологик департаментидида сақланмоқда. Минг йиллик тарихга эга ушбу Викинг қиличини эстонлар Украинага қайтариб беришини маълум қилган.

ПИСТА АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРАДИ

Америкалик олимлар pista таркибидagi B₆ витамини асаб тизимининг меъёрида ишлаши, асаб толалари ўртасидаги импульсларнинг тўғри етказилишини таъминловчи миелиннинг шаклланишида муҳим эканини аниқлади, деб ёзилди «Лента.ру» манбасида.

Писта озукавий толалар, оксил, кальций ва фосфор моддаларига, асабни тинчлантирувчи В витаминлар гуруҳи ҳамда Е витаминига бой. Шунинг учун B₆ витаминининг етишмовчилиги уйқусизлик, хотира билан боғлиқ муаммолар, ҳатто руҳий толиқишга ҳам олиб келади.



Таркибидagi антиоксидантлар қон томирларини мустаҳкамлайди ва шу тариқа юрак-қонтомир хасталикларига чалиниш хавфини камайтиради. Мутахассисларнинг фикрича, pista таркибида лютеин ва зеаксантин мавжуд бўлиб, улар кўз гавҳари ва тўр пардасининг марказий қисмида тўпланиб, ҳимоя қобилигини мустаҳкамлайди ва кўз касалликларидан муҳофаза қилади. Инсон организми лютеин ва зеаксантин ишлаб чиқара олмайди, шунинг учун организмда уларнинг зарур миқдорини таъминлашда pistaнинг ўрни алоҳида. Пистада иммун тизими фаолияти учун муҳим саналган фолий кислотаси, биотин, рибофлавин, ниацин витаминлари ҳамда фосфор, калий ва магний каби минераллар мавжуд.

Пистадаги Е витамини соғлом тери учун энг муҳим моддалардан бири бўлиб, терининг қуриши ва қарилқда пайдо бўлувчи доғларнинг олдини олади. Писта таркибидagi темир моддаси камқонликда тавсия этилади. Тўйинмаган ёғ кислоталари эса моддалар алмашувини тартибга солиди ва организмда ортиқча ёғ тўпланишининг олдини олади.

АНТИБИОТИКЛАРДАН МЕЪЁРИДА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Британиялик олимлар шифокорларга беморларни тўлиқ даволаш курси давомида антибиотиклардан фойдаланмасликни тавсия қилгани ҳақида «BMJ» журналида ёзилди.

Олимларнинг фикрича, антибиотиклар билан даволаш одам организмда даволашни қийинлаштирадиган супербактерияларнинг пайдо бўлишини тезлаштиради. Шунингдек, тадқиқотчилар беморларнинг аҳоли яхшилана бошлагач препаратларни қабул қилишни тўхтатиш лозимлигини айтиб ўтган. Аммо британиялик олимларнинг ушбу тавсиялари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан тасдиқланган маълумотларга мос келмайди. ЖССТ маълумотномасига кўра, айнан антибиотиклар ёрдамида бемор аҳоли ёмонлашувининг ҳамда касалликларнинг оғир формалари юзга келишининг олдини олиш мумкин.



«The Telegraph» нашри экспертларининг таъкидлашича, кўпчилик шифокорларнинг тавсиялари индивидуал характерга эга бўлиб, улар антибиотиклар билан даволашнинг қисқа муддатли усулини тавсия қилади. Шу боис соҳа мутахассислари британиялик олимларнинг фикрига бефарқ муносабатда бўлмаслик керак, деб ҳисоблашмоқда.

САҚИЧ ЮЗГА АЖИН ТУШИРАДИ

Америкалик мутахассислар сақични яхши кўрувчилар эрта пайдо бўлувчи ажинлардан азият чекишини аниқлагани ҳақидаги мақола «American Journal of Clinic Nutrition» нашрида босилди.



Дерматологларнинг маълум қилишича, доимий равишда сақич чайнаш юз мускулларига таъсир қилади. Оқибатда оғиз атрофи териси ўз таранглигини йўқотади. Косметолог-жарроҳ Жозел Шлессингернинг таъкидлашича, оғиз атрофи ва лабдаги ажинлар муаммоси бўйича мурожаат қилувчи аксарият беморлар доимий равишда сақич чайнайди.


Тадқиқотчиларнинг фикрича, пластик жарроҳлик хизматидан фойдаланувчилар юз терисини филлер ёрдамида таранглаштиради. Сақич эса таъсирни тесқари томонга ўзгартиради.

ЭКСПЕРСИЯ ПАЙТИ АРХЕОЛОГИК БОЛГА ТОПИЛДИ

Беларуснинг Кордон археологик мажмуасида эркакларга тегишли «Торнинг болгаси» деб номланувчи буюмлар топилди. Мазкур асбоблар эрамининг IX-X асрига тегишли экани ҳақида «Sputnik» манбасида ёзилди.

ЭМЛАШДАН БОШ ТОРТМАНГ

Америкалик олимлар болаларни қизамиқ ва қизилча эпидемиясига қарши эмлаш жараёнига эътиборсиз қараш қанчалик хавfli эканини исботлади. Ушбу тадқиқот натижалари «Jama Pediatrics» журналида батафсил ёритилди.



Бир йил давомида 2-11 ёш оралиғидagi эмланган болалар миқдори 5 фоизга тушиб кетиши оқибатида қизамиқ билан касалланиш уч мартага кўпайган. Уни даволаш учун эса давлат бюджетидан 2,1 миллион доллар сарфланган.

Авалроқ олимлар ўсмирлар орасида кенг тарқалган папилломавирусларга қарши эмлашдан бош тортиш давлат бюджетига катта зарар етказиши ҳамда қўшимча сарф-харажатларнинг кўпайишига олиб келиши ҳақида огоҳлантирган эди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, Эъзоза НАЖИМОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Номоз Рўзикулова онаси

ТУРДИХОЛ аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Аслида, ҳеч бир ваҳимага ўрин йўқ эди. Одамлар миши тарқатиб, бир-бирларининг юрагига гулгула солдиган бўлиб қолишганим, ё пашаодан фил ясашга одатланишганим, кўрғон аҳли орасида бу гап йилдиримдай тез тарқади. Кўрғоннинг барча пучмоқларигача бир зумда етиб борди. Шу ҳудудда яшовчилар хаёлида беихтиёр саволлар кезинди: "Энди нима бўлади? Қандоқ қиламиз? Нега шундоқ экан?". Ана шундай сарсавол кунларнинг бирида кўрмагур ишлари юмалоқ ёстиқ қилиб, чаза-яримини ора йўлда қолдириб, уйга суриб юбордим. Мақсадим — йўл устидаги дўконга бирров кириб-мура-лаб ўтиш. Менинг бу дардимга ҳам ўша миш-мишлар сабабчи эди. Чунки неъматларга бой дастурхоннинг кўрки бўлакча бўлади.

Гарчанд улкан бир идорада кичик оромкурси эгаси бўлсам-да, ҳамма қатори яшаш — юриб-туриш, еб-ичиш менга ҳам ёқади. Битта фарқим, кун қизиган паллада пакида киртишланган тап-тақир бошимни муздай сувга ювиб, кўчада гир-гир айлана-ётган салқин шабадада эрмаклар тутиб туришни хуш кўраман. Бошда гап кўп, айтмоқчи, гап бошидан каллага чалғимайлик... Чунки ҳар қандай исроф ҳеч кимга ёқмайди; одамнинг кайфи унади. Асли, ҳар ишнинг бадастир бўлишини хуш кўрадиган бир одамман. Кўрғон дўкони қаршида турган гавжум оломон ёнига бориб, дарров навбатга турмоқчи бўлдим. "Хў-ў, рўйхат ва рўйхатчи бор", дейишди. "Исмнингиз?". "Собир!". "Қирқ саккизинчи бўлдингиз!". "Хўп!". "Хў, акў, узоклашманг, акс холда рўйхатдан ўчириласиз!". Пўписига қарши: "Овозингни ел олсин", деб кўйдим ичимда.

Рамазон ёзга тушган кунлар... Ҳаво исигандан исиб ётир. Исик ҳам галми — гунорта куёши нақ манглаймда — тандир оғзидан олов пуркайди. Оғзим ёпиқ бўлгани учун бошқаларни ҳам ўзимдай деб ўйладим. Одамда шундай туйғу бўлади. Дейлик, тўй ёки бошқа маросимга айтилган бўлса, йўлда кетаётган одамларнинг ҳаммаси шу тўйга бораётгандек туюлади. Бошқаларни ўзига тенглаштиради...

Ҳалиги жойга қарасам, рўйхатчи йигитнинг боши тап-тақир. Калла менга хуш ёқадиган тарзда тоза қиртишланган; сочдан кўра соқоллари бироз ўскироқ. Соқолига қараб, хойнахой, суннат хурмати шундай қиёфа касб этгандир йигит, деган хаёлга бордим. Навбатни пойлаш учун дўкон бикинидаги дарахтин олақурок соясида турдим. Давра талабига кўра оғоҳ бўлишим лозим. Кетиб қолинса, рўйхатдан ўчирилади ва табиийки, дўконга яқинлашнинг иложи бўлмайди. Бу эса хавфли. Хавф ёмон нарса — ични кемиради, хаёлини тўзғити, юракни гимжийди; ҳаловат йўқолади. Хуллас, ўша олақурок сояда турибману ора-орада ҳалиги рўйхатчига қарайман; қараб кузатаман. У ниҳоятда хушёр, кетиб қолувчини рўйхатдан шу заҳоти ўчирадигандай. Мендан хавфсирадими, билмадим, негадир мен томонга тез-тез қараб қўяётгандек туюлди. Таъқибчи кўзини чалғитиб, бир соатлар атрофни айланиб вақт ўтказишни мўлжаллаган эдим. Бироқ ҳалиги ўйноқи, югурик кўздан узоклашнинг имкони бўлмади. Сояда қоққан қозикдек туравердим. Ора-сира бир кўлим билан дарахтга су-

кириб турибди. Одам бундай шинам кийимда навбатчилар орасида ўзини ноқулай сезаркан. Чунки бошқалар кўрғончадаги кўшкватли гиштин уйларида шундоқ бири иккинчисини етаклаб чиқиб келган. Бирови уй кийимида, бошқалари иссиқ бўлгани учун майкачан ҳатто, оёқларига бир боғичи узилган ёки чарми уникиб кетган, эски шиппак илиб олганлари ҳам бор. Кўлига ёш гўдагини кўтариб, навбат учун кўшни қиз билан бирга келган бир жувон рўйхатчи томон талпинди: "Уажон, бизни ҳам ёзиб

рўзадор бўлса керак деб ўйлаганим рўйхатчи бир пайт шапиллатиб сақич чайнай бошлади. Хайф сенга, ширин хаёл! Шу маҳал дўкондан бир шериги унинг ёнига келиб, қулоғига алланима деб шивирлади. Яқинроқ турганим учун шивир эшитилди. Рўйхатчи худди аввалги овозда янгиликни эълон қилди: "Санок бир юз ўттиз олтига. Ичкарида махсулот камроқ. Навбатда турганлардан кимгадир етмай қолса, хафа бўлиш йў-ў...". "Нима?", "Нега рўйхат қилипсан йўмаса?". "Что за дела?". "Биза етмия тугул-

хабарини эълон қилди: "Махсулот ҳаммага етмаслиги мумкин. Аммо юқоридан бош-лиқ келади. Сотилиш жараёнига шахсан ўзлари гувоҳ бўлишлари керак. Эҳтимол, ёнида ёрдамчилари бордир, суратга ҳам тушириши лозим. Кўрғон тарихи учун зарур. Акс холда ҳолимиз не кечади? Маҳалла обрўси нима бўлади? Кўрғонимиз иснодга қолади..." Кўзини одамлардан олиб қочаётган рўйхатчининг кейинги гаплари қулоғимга кирмади. Бизнинг ишхонада ҳам бир-бир шундай ҳол юз беришига кўниқиб, мулоимим тортиб қолган эдим. Кайфият жиндай бузилди. Асабийлашувдан фойда йўқ. Бу жой дўкон, ишхона эмас. Гарчанд шовқин-сурон фойда бермаса ҳам, бир ролга кириб, дағдагани каттартириб юборсаммикин, деган вазваса ўтди кўнглимдан. Улуғ кунлар хурмати ўзимни тийдим; тиши тишга босдим. Чарчадимми? Йўқ, чанқанган экманан. Қуруқшаган лабларимни яладим, ёрилган бўлса керак — лабим андак ачишди; томоғим қакради. Хуллас, нурафшон дари-чанинг очилиш маросими бир неча соат ортга суриладиган бўлди. Энди навбатда турганлар юзюда рўйхатчига шубҳа билан қараш ҳолати сезилгандек эди. Аввалига шаққиллаб, тетик-тетик гап сотаётганларнинг ҳам шашти пасайган, ҳатто онаси кўлида чинқириб хархаша қилаётган чақалоқ ҳам чарқондан инграмай қолган, айримлари пишиллаб уй-қўга кетган.

Рўйхатчи ҳамон навбат кети-тига одам тиркашга давом этарди. Бироқ унинг ҳам шиддати сўнган, "Ҳаммага етди-микан?" деган саволига ҳафсаласизгина "Бугун бўлмаса, эртага... Эртага эрталабдан худди шу рўйхат асосида беравуза", деган гапни илова қилмоқда эди. Текширувчи бошлиқ келишини кутиш ҳам қўзилгандан қўзилди.


Ташқи кўринишдан кўрғон аҳлига бегона бир киши дўконга кириб кетди. Айрим ҳолда хотинлар уни бошлиқ деб ўйлади, шекилли, дари-ча очилишидан умидланиб кимирлаб қолишди. Четроқда ўтирганлар гимирлаганлар ёнига борди. Мен ҳалиги келган кимсада бирор хосият кўрмадим. Бепарвогина ўти-равердим. Бегона киши қандай хотиржам дўконга кирган бўлса, ўшандай сиполик билан — ўзига қадалган кўзларга мутлақ бепарво, қиқиб келди. Рўйхатчининг шериги эса бир қадам орқада пилди-раб унга эргашди. Кузатиб қайтаркан, нигоҳлари билан рўйхатчини излади. Бир лаҳза нигоҳлар тўқнашганда, ёнига имлади. Рўйхатчи гоз юриш билан кўлларини икки томон керганча бизнинг яқинимизда пайдо бўлди. Икковининг сирли пичирлаши, айнққса, рўйхатчининг асабийлашиб: "Одамларга нима дейимиз? Шарманда бўлди!" деган гапига шериги "Шармандаси нимаси? Бир кун минг кун эмас. Бугун бўлмаса, эртага!" деб жавоб беришидан вазият танглигини ил-гадим. Рўйхатчи дўкон ичидан шериги олиб чиққан навбат-даги хабарни овоза қилди: "Одамлар, тарқалинлар! Эртага эрталаб kelasizlar...".

Уйга кириб келганимда вақт оғиз очишга яқинлаб қолган эди.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

Навбат

Ҳикоя



янаман. Бошқаларда ҳам зерикиш сезилади. Бир кампир дўкон олдига ётқизилган ямояшил, сунъий ўтлар устига ўтириб олди. Рўйхатчи энаси тенги шу кампирга дарҳол танбех берди ва ўрнидан тикка тургазиб қўйди. Менинг ҳам оёқларим толиқди. У ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа уч-тўрт қадам юрдим.

Навбатга ёзилгучиларнинг сони тобора ортиб борарди. Рўйхатчи олдига бориб, санокча қизикдим. Орадан ҳеч қандай вақт ўтмаган, аммо санок шиддати тез, саксондан ошиб кетибди. Рақам ва фақат навбатда тургучилар исмигина битилган ярим гижимланган сарғимтир қозога бир қур боқшининг ҳам ўзи бўлмади. Одам гавжум, оёқ учигача тиккайиб бўйинни чўздим. Биров келиб, билибми ё билмасдан, елкаси билан туртди. Олдимда турган жувон устига кулашимга сал қолди. Индамдим. Ёнида ёш боласининг қўлидан тутиб турган ўрта ёшли хотин менга дардага оҳангида сўз қотди: "Нима қивоссиз? Сиздан олдин келганлар турибди, ана орқада одамлар бор, ўша томонга ўтиб олинг". "Кечирасиз, мен аллақачон рўйхатга ёзилганман. Сон-санокни билмоқчийдим, холос". "Шундоқ демайсизми? Ман қаттан билибман!". Санок юзга яқинлабди. Навбат рақамимга қарадим: "48. Собир". Хайрият! Топ-тоза; усти чизилмаган. Тикилинчдан секин сирғалиб чиқиб олдим. Рақам ва исм пок-покиза турганига аман бўлган, хотиржам ортга тисарилдим. Бироқ ҳали дўкон даричаси очилишидан нишон йўқ.

Ишдан қайтаётган одамман. Шу боис пўрим кийиниб олганман: дазмолланган мовийранг кўйлак, оч кулранг дим, оёқда — хитойларнинг дунёга машҳур "Хинда" фирмаси махсулоти — ялтиллаган қимматбаҳо ёзги туфли; май-да тешикчаларидан шамол

қўйинг. Икки кишимиз!". Рўйхатчи йигит ишига бағоят пишиқ, бамисоли давлат миқёсидаги жуда муҳим топириқни одо этаётган масъул эди. Навбатга келгучининг айнан ўзини ўз кўзи билан кўрмагунча қалами қимирламайди. Келгучини бош-оёқ обдон кузатади. Навбат шартларини тушунтиради: "Оладиган нарсанингизни аниқ билинг. Ҳар қандай махсулот ёнига нимадир қўшилиши мумкин. Норизолар бўлса айтсин ёки бошқа дўконга борсин!". Ҳалиги жувон: "Уажон, бизни ҳам ёзиб қўйинг. Икки кишимиз!" деди тагин. Шунда рўйхатчи исмингиз ва иккинчигиз ким, деган маънода жувонга қаради. "Мен фалончиман, яна ана қўшним", деди. Рўйхатчи кўшни қизни излади. Кўриниши тўладан келган бўлса ҳам, қизнинг бўйига ишонмади. "Ёши ўн олтига етмаганлар рўйхатга ёзилмайди". Куёштўсар қора хайбатли кўзойнаги юзининг ярмини ёпиб олган қўшни қиз деганимиз: "Нима девотсиз, вай. Аллақачон паспорт олганман. Дўконгаям ҳужжат кўтариб юрийми, оқа?" деди бормай-келмай. Кўзойнак юзидан манглайига кўтарилиб, сочларини қучоқлаб олди. Шунда унинг қисқ кўзлари нисбатан япалоқ юзи билан аразлашгандек кўринди. Қизнинг арзини қўшнилари кучлаб тушди. Рўйхатчи иккинчидан, сўнгра хотинларнинг галаговурига бош суқишини истамади чоғи, бурни аралаш пўнғилда бўлса-да, ҳалиги қўшни қизни рўйхатга тиркаб қўйди.

Атрофга рўйхатчининг овози янгради: "Ҳеч ким узок кетмасин. Ўчириб ташлайман! Рақам билан қақираман. Ҳеч ким рақамини эсидан чиқариб қўйма! Ўз вақтида жавоб бермаганларини излаб юрмайм!" Шуларнинг иккиси. Айримлар оғохлантиришга "Тушунарли! Тушунди! Маъкул!" деб жавоб қайтарди. Мен

ми?". Рўйхатчи қараса вазият жиддий тус оладиган, юмшатиш учун синиқ овозда: "Ичкаридан шундай хабар беришди", деб айбни у томонга ағдариб қўя қолди. Ичкари махмулот, унда нима гаплар содир бўлаётганини биров билса қани. Ҳамманинг назари бир даричага қадалган. Шу даричанинг очилишига ҳамма интиқ. Ичкарида алланима тарақлаб кетди. Дарицага яқин турган хотинлар одалтирига содиқ ҳолда "Келди, келишди. Кимдир яқинлашди. Очишмоқчи, шекилли", деб бир-бирларига умидли қараб беэвталанди; бири бирини турткилаган бўлди. Буни кўрган рўйхатчи ўтирган ўрнидан қўзғалиб, безовталар олдига борди. Ҳалиги эзгу хаёл баттар парчаланди. Тақир бошли соқолдор тиззасини ҳам ёпмайдиган бир шўртлик кийиб олибди. Бу манзарани мулоҳаза қилиб улгурганимча йўқ, у дарица олдига етиб бориб, ҳалиги хотин-халажини бир сафга тизиб билан машғул бўла кетди. "Вақт бўлди", деди кимдир. Шунда рўйхатчи уни сал бўлмаса жеркиб, итдай талашига оз қолди: "Сотатингиз тўғри ишлийдими опоқи? Ҳали вақт бору-у, қаққа шовиллавуза-а?! Шошилманглў-ў!". Шу орада ҳалиги шериги дўкондан тезлашиб чиқиб келаверди ва рўйхатчини четга қаққириб, яна алланималар деди. Рўйхатчининг ранги-рўйи ўчқирчагандай бўлди. Бу ҳолдан ичкарида нимадир юз берганини тахмин қилиш мумкин эди. Уларни узокдан таъқиб қилиб турган одамлар икки шерикнинг ўзаро пичир-пичирини яхшиликча йўймоқда эди: "Кўшимча "Капучино"ни олиб ташлашса керак", "Ун қилодан берилиши мумкин", "Бугун одам кўп, дўконнинг иккинчи дари-чаларидан ҳам сотилади-ёв". Дўкон олдига жамланган юздан ортиқ одам хаёлидан ўтгани оғизга чиқиб улгурмасданок, рўйхатчи шеригининг

2017-yil 5-avgust, № 62 (9023)

Мураббий ва ота-она ҳамкорлиги

Ёш спортчи муваффақиятида муҳим аҳамиятга эга

Жавоҳир Тошмуҳаммедов Чилонзор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида турон яккакураши билан шуғулланади. У шу йилги тумандаги 101-умумтаълим мактабининг 9-синфини аъло баҳоларга тамомлади. Мақсади сари дадил одимлаётган Жавоҳир спортда ҳам ҳавас қилса арзиғулик ютуқларга эришди. Жорий йил Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри мезбонлик қилган жаҳон кубоги баҳсларида 45 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, шохсупага кўтарилгани унинг ана шу эзгу мақсади сари ташлаган яна бир қадими бўлди.

Жавоҳир эришаётган ютуқлардан унинг ота-онаси жуда мамнун. Дилбандининг спортга ошно бўлиб, соғлом ва баркамол улғаяётгани бир олам қувонч бағишлайди уларга. Шу ўринда ёш спортчи эришаётган муваффақиятлар сирини нимада экани билан қизиқдик.

— Ўғлим бир гал туман миқёсидаги мусобақада қатнашиб, ютказди, — дейди Жавоҳирнинг دادаси Жамол Тошмуҳаммедов. — Ҳали тажрибасиз эди-да у пайтлари. Шунда руҳи анча чўкди. Ўзига ишончиюм сусайди чоғи, машғулотларга боришга ҳам ҳафса қилмай кўйди. Мураббийи Содиқ Қосимов мен билан боғланиб, вазиятни тушунтирди. Шундан сўнг Жавоҳир билан дилдан суҳбатладим. “Ҳали ҳаммаси олинди. Мағлубиятдан тўғри хулоса чиқаришни ўрган. Шохсупага ҳеч қачон осонлик билан этиб бўлмайди. Арзимас ҳаракатдан арзимас натижа чиқади” деб, унга насиҳат қилдим. Ишонасизми, шундан кейин ҳам бир неча бор мағлубият аламини тотиб кўрди. Шундай пайтлари нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам чиниқа

бошлаганини илғаб, жуда хурсанд бўлдим. Спорт кишини тетиклаштириш, иродасини тоблаш билан бирга руҳини ҳам чиниқтираркан. Устози билан ниятимиз яқдрилиги ўз самарасини берди.

Дарҳақиқат, дастлабки паллаларда, айниқса ўсмирлик чоғида ҳар қандай спортчининг мағлубиятдан руҳи синиши, тушкунликка тушиши табиий. Ахир, ким ҳам совринни бой бергиси келади?! Бундай вазиятда малакали мураббийлар ота-она ҳамкорлигида ўз кўрсатмалари асосида шогирдини хато-лар устида кўпроқ ишлаб, тинимсиз шуғулланиб, маҳоратини оширишга ундайди.

Умидли спортчининг ютуқлари замирида ота-она ва мураббийнинг узвий ҳамкорлиги нечоғли муҳим ўрин тутишини Жавоҳирнинг онаси ҳам алоҳида таъкидлади:

— Ўғлим ўн йилдан буён спорт билан шуғулланиб, кам бўлмади, анча чиниқди. Ҳатто, охириги марта қачон касал бўлгани ҳам ёдимда йўқ. Ўқинида ҳам аълочилар сафида бўлди. Соғ танда — соғлом ақл, деб шунга айтишса керак-да. Яна бир му-



Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шахмат тўғарагидан лавҳа.

ҳим жиҳати, оилада спортчининг таомномасидан у шуғулланаётган машғулот турига кўра қандай маҳсулотлар ўрин олиши зарурлигини биз, ота-оналар кўп ҳам биллавермаймиз. Фарзандининг тажрибали мураббийи билан бу борада бамаънаҳат иш тутиши ҳар қандай она учун қўл келиши шубҳасиз.

Ушбу замонавий мажмуада ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё. Айниқса, таътил бошлангандан буён тўғарақлар спортсевар ёшлар билан доимо гавжум. Ҳозир масканда 1347 нафар ўғил-қиз енгил атлетика, бадиий гимнастика, волейбол, стол тенниси, бадминтон, таэквондо (WTF), қиличбозлик, кураш бўйича 46 нафар малакали мураббийдан сабоқ олмоқда. Футбол, теннис ҳамда камондан ўқ отиш майдонлари ва 18х42 ҳажмдаги спорт зали болалар ихтиёрида. Ўғил-қизларнинг са-

ломатлигини муассаса тиббиёт ходимлари доимий назорат қилиб боради.

Мураббийлар машғулотларни қатъий тартиб ва интизом асосида олиб бориш билан бирга спортчиларнинг ота-онаси билан ҳам узвий ҳамкорликни йўлга қўйган. Жонли мулоқотлар юзага келлаётган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартираф этиш ҳамда эришилаётган муваффақиятларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шундан бўлса керак, муассасада юқори натижаларга эришаётган умидли спортчилар талайгина.

— Шогирдим Ирода Миртожиёва шу йил Вьетнамда бўлиб ўтган қиёра биринчилигида 59 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади, — дейди таэквондо (WTF) бўйича мураббий Музаффар Тожибоев. — Яна бир шогирдим Мадинабону Алиева мамлакат чемпио-

тида голиб бўлиб, жорий йилнинг 24–27 август кунлари Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилигига йўллангани кўлга киритди. Ҳозир беллашувда муносиб иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик олиб бораётиб. Мусобақада чаққонлик, эпчиллик ва чидамлилик билан бирга руҳий устунликка эга бўлиш яқунда кўп нарсани ҳал қилади. Мадинабону билан яқна тартибга машғулотларда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаётиб. Бунда оилавий муҳитнинг ўрни алоҳида.

— Кўпчилик ота-оналар қатори фарзандимизнинг соғлом воёга етиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Мадинабонуни бир неча йил аввал бадиий гимнастика тўғарагига бердик, — дейди онаси Дилдора Алиева. — Аммо қизимиз айнан таэквондо билан шуғулланиш нияти борлигини айтди. Унинг шахдини кўриб, бунга истар-истамай рози бўлдик. Вақт ўтгани сайин Мадинабону спортга қизиқиши ошиб бораётганини мураббийи ўзаро суҳбатларимизда кўп бор таъкидларди. Бора-бора у мусобақаларда совриндор бўлди. Ўшанда мураббийнинг маслаҳати тўғри эканига, унинг истеъдодини тўғри йўналтиришга амин бўлдим.

Ҳа, барча ишлар тизимли равишда йўлга қўйилган маскандагина салмоқли натижаларга эришиш мумкин. Чилонзор тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бу борада ибратли тажриба тўпланганига қузатувларимиз давомида яна бир карра амин бўлдик.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Боланинг ёзги оромгоҳларда дам олиши, энг аввало, унинг ўзи ўрганиб қолган ҳаёт тарзидан бироз четга чиқиб, мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш қобилиятининг ривожланишига туртки беради.

Чилонзор туманидаги 181-умумтаълим мактабида ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътил даврини мароқли ва мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Ёз — 2017» концепсияси доирасида

ҳам китобхонлик тарғиботида алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Чилонзор туманидаги 181-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёр Бердиев. — Мактаб кутубхонаси болалар адабиётига оид ранг-баранг китоблар билан бойитилгани болаларнинг мутлоага қизиқишини янада оширди. Қолаверса, Мирзо Улугбек, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғлари, Алишер

Таътил сурури

мактаб қошидаги «Кўёшча» кундузи болалар соғломлаштириш майдончасида ўқувчилар турли тўғарақ машғулотларига қамраб олинди.

Жорий йил ёзги соғломлаштириш даврининг ҳар бир мавсумида майдончага 120 нафардан ўқувчи жалб этилди. «Моҳир кўллар», «Ёш китобхон», «Ёш рассом», «Инглиз тили», «Компьютер саводхонлиги», «Табиатшунос» тўғарақларида болажонлар малакали мураббийлардан сабоқ олмоқда. Спортсевар болалар ўртасида режа асосида футбол, волейбол, кураш, дзюдо, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича беллашувлар уюштирилаётгани ўқувчиларнинг вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

— Ўқувчиларнинг ёзги таътилида

Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Теурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейига уюштирилаётган саёҳат, қизиқарли учрашувлар таътил унутилмас ва эсда қоғларли таассуротларга бой тарзда ўтишини таъминлаётди.

Чилонзор тумани ХТМФМТТЭБ, Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши, «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган спорт мусобақалари, қизиқарли виқториналар ва маданий-маърифий талбирлардан болалар қалби бир олам қувончга тўлаётгани шубҳасиз.

Озода РЎЗИКУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Спортсевар ўқувчилар мусобақаларда беллашди

Ўқувчиларнинг ёзги таътилининг мароқли ўтказиш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, жисмонан чиниқтириш мақсадида Бувайда тумани ХТМФМТТЭБда уч ойга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

«Ёз — 2017» спорт мусобақаларида 1–4-синф ва 5–8-синф ўқувчилари ўртасида стол тенниси, енгил атлетика, мини футбол, қўл тўпи, шахмат бўйича мусобақалар ўтказилди. Уни ташкил этишда туман мактабларида фаолият олиб бораётган 161 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчисининг меҳнатини алоҳида эътироф этиш ўринли. Беллашувларда тумандаги 53 та мактабдан иштирок этган жами 800 ўқувчининг 400 нафарга яқини қизлардир.

Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда 25, 28, 24, 13 ва 10-мактаб жамоалари пешқадамлик қилди. «Ақл гимнастикаси» баҳсларида 16-мактаб жамоаси биринчи, 35-, 14-мактаб ўқувчилари эса иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди.

5–8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган баскетбол мусобақасида 530 нафар ўқувчи иштирок этди. Мусобақада фаоллик, чаққонлик, эпчиллик бобида 10-мактаб жамоасига етадигани топилмади. «Ёз — 2017» спорт мусобақаларида фаол иштирок этган болаларга диплом ва эсдалик совғалари улашилди.

Таъкидлаш жоизки, туманда спортнинг қўл тўпи, юнон-рум кураши, футбол, дзюдо, шахмат, баскетбол турлари кенг оммалашган бўлиб, буни ўқувчиларимиз кўлга киритаётган муваффақиятларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 9-умумтаълим мактабининг баскетболчи қизлари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилган бўлса, яқинда ўтказилган шахмат бўйича Осиё чемпионатига бувайдалик ёшлар муносиб иштирок этди. Бу эса туманда умидли спортчилар улғаяётганидан далолат беради.

Усмонали ТИЛЛАЕВ,
Бувайда тумани ХТМФМТТЭБ
эстетик йўналишдаги фанлар методисти

Спортга меҳр берган спортчи

кўплаб ютуқларга эришади



Тўпни моҳирлик билан қабул қилиб, белги-ланган жойга йўллаётган Мафтуна ва Мунисани машғулотдан сўнг мураббий ёнига чақириб, ҳаммаси яхши, аммо профессионал теннисчи бўлиш учун тинимсиз ишлашдан, меҳнатдан қочмаслик кераклигини айтиб, руҳлантирди. Ана шундай машғулотларда тобланган спортчи қизлар шу йилнинг ноябрь ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг Тожикистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё босқичида галаба қозониб, қитъа биринчилиги йўланмасини кўлга киритди.

Бугун Республика олимпия захиралари теннис мактабида Мафтуна Қахрамонова ва Муниса Ашурбекова каби кўплаб иқтидорли спортчилар тарбияланмоқда. Ушбу теннис мактаби мамлакатимизда тенниснинг кенг оммалашшига хизмат қилиб келмоқда. Мактабга тажрибали мутахассис Самиг Абидов раҳбарлик қилади. Самиг ака ёш спортчиларга, теннис мактаби тарбияланувчиларига ўз ҳаёти мисолида теннисга, умуман спортга қизиқиш, меҳр бериш келажақда моҳир спортчи бўлиб етишишнинг энг муҳим омили эканини таъкидлашдан чарчамайди. Самиг акани 10 ёшлигида акаси ўша пайтлардаги "Спартак" спорт мажмуасидаги теннис тўғрарига олиб боради. Бошида катта қизиқиш билан тўғрарка қатнаган ака-укаларнинг шашти бироз пасайганини сезган мураббий бошқача йўл тутди. Болаларнинг ота-онасига мактуб йўллаб, уларнинг иқтидорли эканини эътироф этган ҳолда, охири пайтлари машғулотларга эътибори бироз сусайганини ҳам кўшиб кўяди. Оила бошлиғи Козим ака болаларни ёнига чақириб, бошлаган ишни ярим йўлда чала қолдириш яхши эмаслигини, ўғил бола қатъиятли, мард бўлса ҳаёт қийинчиликларини мардонавор энгиб ўтишини яхшилаб тушунтиради. Шундан сўнг ака-ука яна спортга қайтиб, маҳоратли спортчилар бўлиб етишиди, кўплаб ютуқларга эришиди.



— Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган алоҳида эътибор туфайли юртимизда бошқа спорт турлари билан бирга теннис ҳам кенг оммалашиб, маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда, — дейди теннис мактаби директори Самиг Абидов. — Бугун халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Тимур Исмоилов, Оқул Омонмуродова, Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова, Влада Якшибарова, Гўзал Юсупова каби моҳир ракетка усталарини дунё теннис мухлислари яхши танийди. Уларга ҳавас қилиб, ушбу спорт сирларини ўрганишга бел боғлаган ўғил-қизлар учун мактабимизда барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги қарори билан ташкил этилган Республика олимпия захиралари теннис мактаби тарбияланувчилари орасидан 1 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 9 спорт устаси, 33 нафар спорт усталигига номзод етишиб чиқди.

Ушбу мактабда 52 ёш теннисчига 10 нафар халқаро тоифадаги мураббий сабоқ беради.

— Мактабда халқаро талабларга жавоб берадиган 20 теннис корти мавжуд, — дейди мураббий Омон Аннакулов. — Уларнинг 13 таси резина қопламали, 4 таси қум билан қопланган очиқ корт, 3 таси усти ёпиқ кортлардир. 2 машғулот зали, ёзги сузиш ҳавзаси, тренажёр зали ўқувчилар ихтиёрида. Қизлар ўртасидаги анъанавий "WTA Tashkent Open" ва эркеклар ўртасидаги "ATP Tashkent Challenger" мусобақалари айнан мана шу теннис мактаби кортларида ўтказилади. Мактабга ўқувчилар 5-синфдан қабул қилинади. Синов имтиҳонлари жараёнида ўқувчининг билими, жисмоний ҳолати ва кортда қандай ҳаракат қилиши асосий мезонлардандир. Теннис мактабида тажрибали теннисчилар томонидан ёш ўқувчиларга маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Бу ўқувчиларнинг теннис сирларини пухта эгаллаши ва тажриба тўплашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ақмал ИСЛОМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

В.ГРАНКИН олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС

ETUVCHILAR:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
О'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, О'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. F-815. Tiraji 34151.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4334



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqir
qilinmaydi va maallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Rayhona XO'JAYEVA.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 22.05 Topshirildi — 22.50

12 456